ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Ш. БЕКМУРОДОВ, О.Б. ГИМРАНОВА,
Н.Н. ШАМШИЕВА

ОММАБОП ИҚТИСОДИЁТ:

МОҲИЯТ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Илмий-оммабоп нашр

Тошкент-«Иқтисодиёт»-2010

Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр.-Т.: Иқтисодиёт, 2010.-93 б.

Илмий маслаҳатчи-профессор Б.Ю. Ходиев.

Мазкур илмий-оммабоп нашр Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009-2011 йилларга мўлжалланган ИТД-4-158 “Ёшларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мазмуни ва ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.

Унда иқтисодий фан ва амалиётнинг асосий тушунчалари, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари таълимнинг визуал воситалари (схемалар, диаграммалар, жадваллар, гистограммалар ва ҳоказо) ёрдамида ёритиб берилган. Шунингдек, жамият иқтисодий фаолиятининг макро, ҳудуд ва микро (тармоқ, корхона) даражадаги таянч иқтисодий категориялари, жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари атрофлича ёритилган.

Қўлланмада кўргазмалилик (визуал) тамойилидан тўлиқ фойдаланилган: иқтисодий атамалар тўғрисидаги маълумотлар мантиқий ўзаро боғлиқ ҳолда тузилган ҳамда тушуниш учун соддалаштирилган.

Ушбу қўлланма иқтисодий таълимнинг узвийлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, у олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ўқитувчилари, аспирантлар, шунингдек малака ошириш тизими, иқтисодиёт ва бизнес соҳаси ўқитувчи ва мутахассислари учун фойдалидир.

Мазкур қўлланмадан олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодий назарияси” фанлари ҳамда иқтисодий фан ва амалиётнинг функционал ва тармоқ фанлари учун қўшимча ўқув адабиёти сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

«Иқтисодиёт» нашриёти, 2010.

МУНДАРИЖА

	Сўз боши……	5
	1-бўлим. Замонавий иқтисодиётнинг асосий тушунчалари	
	1-боб. Иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ……	7
1.1.	Иқтисодиёт тушунчаси.....	8
1.2.	Иқтисодиёт назарияси, микро-макроиқтисодиёт……..……....	9
1.3.	Иқтисодиёт муаммоси ва унинг асосий масаласи ……..…	10
1.4.	Иқтисодиёт субъектлари ва иқтисодий муносабатлар……..…	11
1.5.	Мулкий муносабатлар……..…..	12
1.6.	Иқтисодиёт тизими ва унинг турлари ……..….	13
	2-бўлим. Инсоннинг иқтисодий фаолияти ва унинг тузилмавий таркибий қисмлари	
	2-боб. Ишлаб чиқариш-жамият ҳаётининг асоси ……	14
2.1.	Ишлаб чиқариш тушунчаси ……..…..	15
2.2.	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш……..…	16
2.3.	Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув.....……..…	17
2.4.	Иқтисодий интеграция……..…….….	18
2.5.	Замонавий ишлаб чиқариш тузилмаси таркиби ва ишлаб чиқариш имкониятлари....	19
2.6.	Натурал ва товар ишлаб чиқариш…….……	20
2.7.	Ишлаб чиқаришнинг таянч омиллари...……..….	21
2.8.	Ишлаб чиқариш омиллари тизимида меҳнат …….....	22
2.9.	Капитал ишлаб чиқариш омиллари тизимида капитал ……	23
2.10.	Ахборот, ФТИ замонавий ишлаб чиқариш омиллари сифатида..……	24
2.11.	Ишлаб чиқаришнинг энергетика, экология омиллари ва инфратузилма…….	25
2.12.	Тадбиркорлик…….….	26
2.13.	Тадбиркорлик турлари, менежмент……..……....	27
2.14.	Маркетинг…….…...	28
2.15.	Корхона, фирма…….…..	29
2.16.	Харажатлар ва корхона фойдаси.…….……	30
	3-боб. Тақсимот-иқтисодиётда даромадлар шаклланишининг асоси ……	32
3.1.	Тақсимот тушунчаси…….….	33
3.2.	Ишлаб чиқариш омилларидан даромадлар…….….	34
3.3.	Иш ҳақи…….…..	35
3.4.	Рента…….……..…..	36
3.5.	Фоиз …..……..…	37
3.6.	Фойда ..……..…..	38
	4-боб. Айирбошлаш-бозор иқтисодиётининг асоси ……	39
4.1.	Жамиятда товар-пул муносабатлари……..…….	40
4.2.	Товар ва унинг хусусиятлари……..……...	41
4.3.	Товар қиймати ҳажми……..……..……	42
4.4.	Пул ва унинг вазифалари ……..……..…	43
4.5.	Кредит…….….	44
4.6.	Банклар……	45
4.7.	Қимматли қоғозлар…….….	46
4.8.	Бозор ва унинг вазифалари……	47
4.9.	Талаб…..…….	48
4.10.	Таклиф……	49
4.11.	Мувозанат нарх……..…….	50
4.12.	Рақобат…….……	51
4.13.	Бозор инфратузилмаси…...……	52

	5-боб. Истеъмол-иқтисодий фаолиятнинг асосий мақсади	53
5.1.	Эҳтиёжлар ва уларнинг турлари	54
5.2.	Неъматларнинг таснифланиши	55
5.3.	Иқтисодиётда истеъмолчи ва унинг ҳуқуқлари	56
5.4.	Истеъмолчининг ҳатти-ҳаракати	57
	3-бўлим. Иқтисодиётнинг макродаражада амал қилиш хусусиятлари	
	6-боб. Макроиқтисодиётнинг асосий тавсифлари	58
6.1.	Макроиқтисодиёт	59
6.2.	Миллий иқтисодиёт ва унинг таркиби	60
6.3.	Макроиқтисодий кўрсаткичлар	61
6.4.	ЯММ (ЯИМ)нинг шаклланиши	62
6.5.	Ялпи талаб ва ялпи таклиф	63
6.6.	Иқтисодий ўсиш	64
6.7.	Истеъмол, жамғарма, инвестициялар	65
	7-боб. Макроиқтисодий беқарорлик ва унинг кўринишлари	66
7.1.	Макроиқтисодий беқарорлик тушунчаси	67
7.2.	Иқтисодиётнинг даврийлиги	68
7.3.	Иқтисодий танглик	69
7.4.	Инфляция	70
7.5.	Ишсизлик	71
	8-боб. Макроиқтисодий тартибга солиш	72
8.1.	Макроиқтисодий тартибга солиш	73
8.2.	Фискал сиёсат: давлат бюджети	74
8.3.	Фискал сиёсат: солиқлар	75
8.4.	Фискал сиёсат: мақсад ва йўналишлар	76
8.5.	Пул-кредит сиёсати	77
8.6.	Марказий банк сиёсати воситалари	78
8.7.	Ижтимоий сиёсат	79
8.8.	Ташқи савдо сиёсати	80
8.9.	Давлат савдо сиёсати воситалари	81
8.10.	Валюта сиёсати	82
8.11.	Давлат валюта сиёсати воситалари	83
	9-боб. Жаҳон иқтисодиёти	84
9.1.	Жаҳон хўжалиги	85
9.2.	Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар	86
9.3.	Ҳалқаро товар ва хизматлар савдоси	87
9.4.	Капитал чиқариш ва ҳалқаро кредит	88
9.5.	Ҳалқаро ишчи кучи миграцияси	89
9.6.	Ҳалқаро валюта тизими ва валюта муносабатлари	90
9.7.	Ҳалқаро иқтисодий интеграция	91
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92

Сўз боши

Иқтисодий тафаккур тарихи халқ хўжалиги тарихи билан узвий боғлиқ. Инсон доимо иқтисодий жараёнлар сирларини билиш, уларни зарур йўналишларда тартибга солишни ўрганишга интилган. Қадимги даврлардаёқ, Ксенофонт, Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель) ва қадимги дунёнинг бошқа олимлари, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон алломаларининг асарларида иқтисодий ҳаётга қизиқиш намоён бўлган. Айнан қадимги алломалар «экономия» илми номини муомалага киритган бўлиб, юнончасига «ойкос»-уй, хўжалик, «номос»-таълимот, қонун деган маъноларни англатади. Иқтисодий назария мустақил фан сифатида капиталистик тузумнинг вужудга келиши, миллий бозорнинг шаклланиши билангина юзага келди.

Жамиятимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш йўлидаги ислоҳотлар иқтисодиёт фанини янги даражага кўтаради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов республикада мустақил иқтисодий сиёсатнинг юзага келишидаёқ: «…биз иқтисодиётни ҳар қандай сиёсий мафкурадан устун қўямиз», - деб алоҳида таъкидлаган эди[1].

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор, мувозанатлаштирилган ва турғун иқтисодиётни шакллантириш учун муҳим шарт сифатида эркин иқтисодиёт тамойилларини амалга ошириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ўрта ва узоқ муддатга хос, кўп омилли динамик жараённи акс эттиради. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда жисмоний ва инсон капиталига инвестициялар алоҳида аҳамият касб этади. Улар нафақат мамалакат ишлаб чиқариш ресурслари ҳажмини оширади, балки таълим даражаси ортиши, турли кашфиётлар, технологик янгиликлар ва ҳоказоларни татбиқ этилиши туфайли унинг самарадорлигини оширади.

Иқтисодий янгиланиш ва жамият ривожланиши шароитларида иқтисодиёт назариясини ўзлаштириш муҳим ўрин тутади. Иқтисодиёт назарияси фанисиз бутун дунёда қабул қилинган тараққий этган бозор иқтисодиёти қоидаларига биноан ҳаракатланиш мушкул.

Иқтисодиёт фани иқтисодий фанлар: тармоқли (саноат, транспорт, қурилиш иқтисодиёти ва ҳ.к.); функционал (прогнозлаш, молия, кредит, маркетинг); тармоқлараро (иқтисодий география, статистика, бошқарув назарияси) мураккаб мажмуасининг услубий асоси сифатида намоён бўлади. Иқтисодий назария таъкидлаб ўтилган фанлар, шунингдек социология, психология, тарих ва бошқа фанлардаги ютуқларни назарда тутади. Иқтисодий назария нафақат муайян иқтисодий ва амалий фанларнинг пойдевори ҳисобланади, балки иқтисодий амалиётнинг муайян вазифаларини ҳал этиш йўналишларини белгилайди.

Ҳар қандай даражадаги менежментнинг ҳозирги даражаси аниқ тасаввур, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти, уларнинг аҳамияти ва бозор иқтисодиётидаги кўринишларининг хусусиятларини тушунишни талаб этади. Мазкур илмий-оммабоп нашр айнан шу вазифа-асосий иқтисодий категорияларнинг моҳиятини етарлича ёритишга бағишланган.

Таркибан китоб уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда замонавий иқтисодиётнинг асосий тушунчалари кўриб чиқилган. Иккинчи бўлим «Инсоннинг иқтисодий фаолияти ва унинг таркибий қисмлари» микродаражада жамият иқтисодий фаолияти натижаларидан фойдаланиш ва айирбошлаш, тақсимот, ишлаб чиқариш босқичлари жараёнида намоён бўлувчи таянч иқтисодий категорияларни тўлиқ кўриб чиқади.

Учинчи бўлим «Макродаражада иқтисодиётнинг амал қилиш хусусиятлари» миллий иқтисодиётнинг амал қилиши билан боғлиқ иқтисодий тушунчаларни кўриб чиқади. Асосий

[1] Каримов И.А. О приоритетах экономической политики Узбекистана. «Правда Востока», 4 сентября 1993 г.

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро таъсири ва шаклланиши, моҳияти, макроиқтисодий беқарорлик тушунчаси ва унинг кўринишлари, макроиқтисодий тартибга солиш усуллари ва моҳияти, жаҳон хўжалигининг амал қилиши ва шаклланиши хусусиятлари кўриб чиқилади.

Мазкур нашрда кўргазмалилик тамойилидан тўлиқ фойдаланилган: иқтисодий атамалар тўғрисидаги маълумотлар мантиқий ўзаро боғлиқ ҳолда тузилган, чизма ва жадвалларда тақдим этилган.

Мазкур нашр йиллик минтақавий семинарлар иштирокчилари-Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, вилоят ва туманлари ҳокимлари муовинлари учун мўлжалланган. Бундан ташқари, у олий ўқув юртлари, академик лицей ва профессионал коллежлар ўқитувчилари, аспирант ва талабалари, шунингдек малака ошириш тизими, иқтисодиёт ва бизнес соҳаси ўқитувчи ва мутахассислари учун фойдали бўлиши мумкин.

Муаллифлар Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Корпоратив бошқарув» кафедраси катта ўқитувчиси М. Амонбоев ва «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси катта ўқитувчиси Н.Т. Каттаевга мазкур қўлланмада фойдаланилган жадвал ва чизмаларни тизимлаштиришда ёрдам берганлари учун миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Муаллифлар муштарийларнинг қўлланмага катта қизиқиш билан ёндашишларига ишонадилар. Шу билан бирга, уларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари ушбу нашрни янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

1-бўлим
ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

1-боб. Иқтисодиётнинг асосий тушунчалари

1.1. ИҚТИСОДИЁТ ТУШУНЧАСИ

Иқтисодиёт – моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни акс эттирувчи ижтимоий хўжалик.

Ишлаб чиқариш-инсонийлик жамиятининг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур моддий неъматларни яратиш жараёни.


Тақсимот-ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг иштироки, улуши (миқдори, пропорцияси) ни аниқлаш жараёни.

Айирбошлаш-моддий неъмат ва хизматларнинг бир субъектдан бошқасига томон ҳаракати жараёни. **Товарни сотиш**-унинг пулга айирбошланиши, **харид қилиш** эса-пулларни товарга айирбошланиши. **Айирбошлаш**нинг зарур шарти - ихтисослашиш ва меҳнат тақсимоти. Бу эса жамият аъзолари ўртасида меҳнат маҳсулини айирбошлашга олиб келади.

Истеъмол-инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун неъматлардан фойдаланиши.

Шахсий истеъмол-инсоннинг шахсий ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун товар ва хизматлардан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш истеъмоли-кишилар учун зарур товар (хизматлар)ни яратиш жараёнида ресурслардан фойдаланиш.




1-чизма. «Иқтисодиёт» атамасининг асосий мазмуни

1.2. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ, МИКРО-МАКРОИҚТИСОДИЁТ

Иқтисодий назария – инсоннинг чекланмаган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини танлаш шароитида инсонийлик жмиятининг қонун ва қонуниятларини ўрганувчи фан.

Микроиқтисодиёт – иқтисодиётнинг алоҳида субъектлари ҳатти-ҳаракати, нарх ва бозорларни ҳар томонлама ўрганувчи иқтисодиёт назарияси бўлими.

Макроиқтисодиёт – иқтисодиётни бир бутунлигича ёки катта гуруҳларга бирлаштирилган элементларини ўрганувчи иқтисодиёт назарияси бўлими.



2-чизма. Иқтисодий тадқиқотларнинг икки даражаси (икки соҳаси)


1.3.ИҚТИСОДИЁТ МУАММОСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ

Ресурслар
- неъматларни яратишда фойдаланилувчи зарур шароитлар йиғиндиси (ер, капитал, ишчи кучи, хом-ашё ва бошқалар);
- жамият эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд имкониятлар.

Инсон эҳтиёжлари-инсоннинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган барча моддий ва номоддий буюмларга бўлган хоҳиш ва истаклари.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни – иқтисодий қонун бўлиб, унга кўра кишиларнинг эҳтиёжи миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаради, авлоддан авлодга ўсиб боради.

ИҚТИСОДИЁТ МУАММОСИ шундаки, жамият эга бўлган **ишлаб чиқариш ресурслари доимо чекланган.** Шунингдек, кишилар турли неъматларни яратиш бўйича иқтисодий фаолиятда фойдаланувчи ишлаб чиқариш омиллари чекланган. Бу **чекланиш жамият олдига танлаш муаммоси-**эҳтиёжларни етарлича тўлиқ қондириш учун эга бўлган чекланган ресурслар (ишлаб чиқариш омиллари) ни қандай идора қилишни қўяди.



3-чизма. Иқтисодиётнинг асосий масалалари

1.4. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Иқтисодиёт субъектлари – иқтисодий фаолият иштирокчилари.

Иқтисодиётнинг субъектли тузилиши-кўпгина субъектлар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, товар ва хизматларнинг ҳаракати уларнинг мақсади, иқтисодий манфаатлари, табиати, ўзаро муносабат ва ташкил этиш шаклларида ифодаланади.


Уй хўжалиги - *иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида* амал қилувчи иқтисодий бирлик. У бир ёки бир неча шахсдан иборат бўлиши мумкин. У инсон капиталининг ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришини таъминлайди, мустақил қарор қабул қилади, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг бирор омилининг таъминотчиси ва мулкдори ҳисобланади, шахсий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга интилади (фойдани оширишга эмас).

Корхона (фирма)-даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи иқтисодий бирлик. У даромадни оширишга интилади, мустақил қарор қабул қилади, сотиш мақсадида маҳсулотни тайёрлаш учун ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланади. У хусусий ёки қарз капиталини сарфлашни кўзда тутади. Бу қалтислик ва жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Олинган даромад корхонанинг (фирманинг) нафақат шахсий истеъмоли, балки ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун сарфланади.

Банк-иқтисодиётнинг нормал амал қилиши учун зарур пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.

Давлат (ҳукумат)-ижтимоий мақсадларга эришиш учун зарурат туғилганда бозор ва хўжалик юритувчи субъектларнинг назоратини таъминлаш учун юридик ва сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи турли ҳукумат муассасалари.

Давлатни намоён этувчи бюджет ташкилотлари фойда олиш мақсадига эга бўлмай, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширади.



4-чизма. Иқтисодий муносабатлар таркиби

1.5. МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР

Мулк – моддий ва маънавий қадриятларнинг маълум шахсларга мансублиги, бундай мансубликка юридик ҳуқуқ, мулк объектлари бўйича эгалик, тақсимот, ва қайта тақсимот юзасидан кишилар ўртасидаги муносабатлар; у эгалик ҳуқуқи, идора қилиш, фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш воситаларига эгалик жамиятдаги ҳамма муносабатларни белгиловчи ҳисобланади, чунки айнан у ижтимоий ишлаб чиқариш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тузилма, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсади, табиатини белгилайди.

Эгалик муносабатлари – кишилар ўртасидаги кишиларнинг нарсаларга ўзиники сифатида муносабатини белгиловчи ўзаро иқтисодий алоқаси

Мулкдан хўжалик мақсадида фойдаланиш муносабати – маълум шартларда бошқа иқтисодий субъектлар томонидан мулкдорлар мулкидан хўжалик мақсадларида фойдаланиш имконияти.

Мулк реализацияси (**сотиш)** муносабатлари ўз эгасига даромад келтиради.

Мулкий муносабатлар тизими
Мулк субъектининг мулк объектига муносабатининг ҳуқуқий асосда амалга оширилиши

Эгалик – мулкка ҳақиқий эгалик.

Фойдаланиш – мулкдан фойдали хусусиятларни олиш жараёни.

Тасарруф этиш – мулк объектининг амал қилиш тартиби, шакли, мақсадлари юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи.

Субъектлар:
Жисмоний шахс – фуқаро.
Юридик шахс – фирма, ташкилот.
Давлат – давлат ва маҳаллий бошқарув идоралари.

Объектлар:
Кўчмас мулк – ер, ундаги конлар, сув объектлари, ўрмонлар, бинолар, иншоотлар ва хоказо.
Кўчувчан мулк – пуллар, қимматли қоғозлар ва хоказо.
Интеллектуал мулк – интеллектуал фаолият натижалари, товар белгиси ва ҳоказо.

Мулкдорлик ҳуқуқи назарияси: "мулк ресурс ёки ишлаб чиқариш омиллари бўлмайди, балки ресурслардан фойдаланиш бўйича яхлит ҳуқуқ ёки ҳуқуқий улушни акс эттиради".

1. Эгалик, фойдаланиш, бошқарув ҳуқуқи. 2. Даромад, савдо, ўзгартириш, йўқ қилиш ҳуқуқи. 3. Мулкнинг хавфсизлик ҳуқуқи (экспроприациядан ҳимоялаш).	4. Васият ва мерос, неъматга муддатсиз эгалик ҳуқуқи. 5. Атрофдагиларга зарар келтирувчи фойдаланишни таъқиқлаш. 6. Ваколатларни қайтариш, ундириш ҳуқуқлари.

5-чизма. Мулкий муносабатлар тизими

1.6. ИҚТИСОДИЁТ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ


Иқтисодий тизим-кишиларнинг ўзаро муносабати жараёнида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилиш, шунингдек, жамият мақсадига мувофиқ шундай фаолиятни тартибга солишга қаратилган иқтисодий фаолият турлари йиғиндиси.

Иқтисодий тизимнинг асосий элементлари:

1) ***ишлаб чиқариш кучлари***-ишлаб чиқариш воситалари бўлиб, улар ёрдамида моддий неъматлар ишлаб чиқарилади, шунингдек билимдон, ишлаб чиқариш тажрибаси, меҳнат кўникмаларига эга ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтирувчи кишилар;

2) ***ишлаб чиқариш муносабатлари***-моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасидаги муносабатлар;

3) ***макродаражада хўжалик механизми***-иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усули.



6-чизма. Иқтисодий тизим таркиби

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ТУРЛАРИ	
Анъанавий иқтисодий тизим-кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати ва жамиятдаги ҳамма масалаларнинг ҳал этилиши, яшаш учун кураш, урф-одат ва анъана асосида амалга оширилиши билан тавсифланади.	***Таснифлаш мезонлари–*** Уч асосий муаммони ҳал этиш усули: * Нима ишлаб чиқариш? * Қандай ишлаб чиқариш? * Ким учун ишлаб чиқариш?
Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим – ресурс ва даромадларнинг ишлаб чиқарилиши, тақсимоти давлат томонидан ҳал этилади, ҳамма моддий ресурслар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари давлатга тегишли экани билан тавсифланади.	
Бозор иқтисодиёти тизими-хусусий мулкка асосланган, ҳар бир ишлаб чиқарувчининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш.	
Аралаш иқтисодий тизим-бозор давлат назорати ёрдамида тўлдирилади.	

2-бўлим

ИНСОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

2-боб. Ишлаб чиқариш – жамият ҳаётининг асоси

2.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУШУНЧАСИ


Ишлаб чиқариш – иқтисодий неъматларни яратиш жараёни

Тор маънодаги ишлаб чиқариш-маълум давр мобайнида моддий ва маънавий неъматларни яратиш жараёни.

Кенг маънодаги ишлаб чиқариш-маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишнинг узлуксиз янгиланувчи жараёни сифатида олинган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқариш жараёни-фойдали товар ва хизматларнинг ҳажми ортиши ва қиймати ошиши жараёни йиғиндиси. Ҳар қандай иқтисодий тизимда хўжалик юритишнинг натижаси ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичи унинг ***самарадорлиги*** ҳисобланади. У **ишлаб чиқариш натижаларининг харажатларга нисбати** орқали аниқланади.



7-чизма. Ишлаб чиқариш, унинг турлари ва ривожланиш босқичлари

2.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлаб чиқариш омилларининг амал қилиши ва унда иштирок этувчи кишиларнинг ўзаро муносабатини таъминлайди

Меҳнат тақсимоти ва иқтисодий интеграция –
ижтимоий ишлаб чиқаришда кишиларнинг ўзаро алоқаси ва муносабатини ташкил этишнинг муҳим шакллари



Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини ривожлантиришнинг уч босқичи

Меҳнат кооперацияси – меҳнат шакли бўлиб, унда кўпгина кишилар режали тарзда ва биргаликда бир хил жараёнларда ёки ўзаро боғлиқ меҳнат жараёнларида иштирок этадилар. Бу бир киши бажара олмайдиган вазифани ҳал этиш учун кўпчиликнинг ҳаракатини бирлаштириш имконини беради ва шубҳасиз, иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Мануфактура — меҳнат кооперацияси, унда унинг маҳсулдорлигини оширувчи меҳнат тақсимоти мавжуд. Мануфактура қўл меҳнатига асосланган.

Машина ёрдамида ишлаб чиқариш — меҳнат маҳсулдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлидаги кейинги жиддий қадам. У ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини тубдан ўзгартирди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулига ўтиш имконини берди.

8-чизма. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларининг ривожланиш босқичлари

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро муносабат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технология ёрдамида аниқланади.

Технология фан ва амалиёт ёрдамида инсоннинг меҳнат воситаларига механик, табиий, кимёвий ва ҳоказо таъсири усулларини ифодалайди.

Технология ишчи кучи ва ишчиларнинг малакасини оширишга ҳам янгича талаблар қўяди.

2.3. ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ИХТИСОСЛАШУВ

Меҳнат тақсимоти – тор фаолият доирасида муайян ишларни бажариш учун меҳнатни нисбатан ихтисослаштириш.

Меҳнат тақсимоти даражалари

- фирмадаги ичида→ участкалар, цехлар, бўлимлар, касблар ва ҳ.к.
- корхоналар бўйича→ алоҳида маҳсулот турлари бўйича (нон заводи ва б.)
- тармоқлар бўйича → нефть, кўмир, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлар
- тармоқ гуруҳлари бўйича→ бирламчи, иккиламчи ва хизмат кўрсатиш соҳалари
- ҳудудлар бўйича → мамлакат ҳудудлари ва минтақалари бўйича
- халқаро → мамлакатларнинг маълум ишлаб чиқаришга ихтисослашуви

Бирламчи соҳа	**Иккиламчи соҳа**	**Хизмат кўрсатиш соҳаси**
қазиб олиш ёки ўстириш йўли билан хомашё ишлаб чиқариш	хомашёни қайта ишлаб, тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотга айлантириш	аввалги икки соҳа ва бевосита истеъмолчиларга турли хизматлар кўрсатиш
қазиб олиш тармоқлари (кўмир, газ ва ҳ.к.), қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик ва бошқалар	қайта ишлаш тармоқлари – металлургия, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, мебелсозлик ва бошқа	банклар, транспорт, суғурта ва телефон компаниялари, таълим, тиббиёт ва ҳ.к.

9-чизма. Меҳнат тақсимоти даражалари ва ишлаб чиқаришнинг асосий соҳалари

Ихтисослашув – унда ишлаб чиқарувчилар маълум маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга эътиборни жамлайди

Саноатдаги асосий ихтисослашув турлари		
Буюмли	***Қисмли***	***Технологик***
Бир хил якуний маҳсулот (тайёр ***буюмлар***) ни ишлаб чиқаришга ихтисослашув	Бўлажак тайёр маҳсулотнинг алоҳида ***қисмлар****ини ишлаб чиқаришга ихтисослашув*	***Технология жараёнининг*** алоҳида *операция* ёки *босқичлари*ни бажаришга ихтисослашув
масалан, автомобиллар, дастгоҳлар, принтерлар, костюмлар, пойабзал ва ҳ.к.	*масалан, шина, подшипниклар, карбюраторлар ва бошқа эҳтиёт қисмлари*	*масалан, автомобилларни йиғишда ғилдиракларни ўрнатиш*

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш

Устунликлар	**Камчиликлар**
♦ ишлаб чиқариш омилларидан унумли фойдаланилади ♦ ишлаб чиқаришни механизациялаш имконияти туғилади ♦ ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади	♦ ихтисослаштирилган меҳнатнинг бир хиллиги ва жозибасизлиги ♦ ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро тўлиқ боғлиқлиги ♦ ихтисослаштирилган меҳнат маҳсулининг бир кўринишга эгалиги

10-чизма. Ихтисослаштирилган меҳнатнинг асосий устунлик ва камчиликлари

2.4 ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

Интеграция – (лотин тилида *integration* – тиклаш – *integer* – бутун) – турли хўжалик бўғинлари: алоҳида фирмалар, тармоқлар ёки қатор мамлакатларнинг миллий хўжаликларини умумий тизимга бирлашиши

Меҳнат тақсимоти бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни кооперациялашни ҳам кўзда тутади (лотин тилидан *cooperation*-ҳамкорлик).


Кооперация-ихтисослашган корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқалари, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни ўзаро айирбошлаш.

Фирмалар даражасида интеграциянинг асосий шакллари


Горизонтал – бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг бирлашиши (нон заводи, банк, реклама агентлиги ва ҳ.к.)

Вертикал – бир ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш-сотиш занжири билан боғланган корхоналарни қамраб олади (алюминий рудасини қазиб олиш, уни қайта ишлаш, алюминийни қайта ишлаб, ундан маҳсулот ишлаб чиқариш)


Конгломерат – турли товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни бирлашиши



11-чизма. Горизонтал интеграция



12-чизма. Вертикал интеграция




13-чизма. Конгломерат интеграция

2.5. ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ ТАРКИБИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ



14-чизма. Замонавий ишлаб чиқариш тузилмаси

Ишлаб чиқариш имкониятлари – бу маълум даврда, маълум ресурс ва технологиялар даражасида, ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг (уларнинг маълум йиғиндиси) юқори даражадаги миқдори



15-чизма. Жорий ишлаб чиқариш тузилмасини танлаш ва ишлаб чиқариш имкониятлари

Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси-иқтисодий модель бўлиб, мамлакат, фирма ёки алоҳида ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш имкониятларини намойиш этади.

Ишлаб чиқаришнинг бирор-бир муқобилини *олдиндан танлаш* жамиятнинг эртанги ишлаб чиқариш имкониятларига таъсир этади.

Техникавий тараққиётга ижобий таъсир этувчи ишлаб чиқариш тузилмасини танлаш орқали юқори иқтисодий ўсишга эришиш таъминланади.

2.6. НАТУРАЛ ВА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ҳар қандай хўжаликни ташкил қилишда қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим:

- ким учун (қандай истеъмолчилар учун) неъматлар яратиш;
- фойдали моддийликни тайёрловчилар меҳнатини қандай ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмолчи ўртасидаги хўжалик алоқаларини қандай йўлга қўйиш.

НАТУРАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. Бунда инсонлар бозорда айирбошлаш учун эмас, балки ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

- Ёпиқ хўжалик
- Ишчиларнинг универсал (ихтисослашмаган) меҳнати
- Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида тўғридан-тўғри алоқа “ишлаб чиқариш – тақсимот – истеъмол”

Жамият хўжалик бирликлари йиғиндисидан иборат (оила, жамоа, помешчиклар). Ҳар бир бирлик **ишлаб чиқариш ресурсларига** таянади ва яшаб қолиш учун ўзини ўзи таъминлайди.У турли кўринишдаги хом-ашёни излаб топишдан тортиб, якуний истеъмолга тайёр ҳолда етказишгача бўлган барча ишларни бажаради. Бунда **оддий техника;** омоч, кетмон каби қўлда ишлатиладиган техника қўлланилади. Меҳнат фаолияти кам фойдали бўлади, **ишлаб чиқариш тез суръатларда ўсмайди.**

Товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари:

- ишлаб чиқарувчиларнинг муайян товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви юз берувчи ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- ишлаб чиқарувчиларнинг мулкий муносабатлар орқали бир-биридан иқтисодий алоҳидалашуви.

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ. Бунда маҳсулот шахсий истеъмол учун эмас, балки айирбошлаш ёки алмашинувга ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқа эса бозорда амалга ошади.

- Очиқ хўжалик
- Жамоага тақсимланган меҳнат
- Ишлаб чиқариш ва истеъмол боғланиши “ишлаб чиқариш – айирбошлаш – истеъмол” формуласи асосида бозор орқали амалга ошади

Товар ишлаб чиқариш қуйидагича фарқланади:

1. **Оддий** – хусусий мулкчиликка ва ишлаб чиқарувчининг шахсий меҳнатига асосланади.
2. **Кенгайтирилган** – хусусий мулкчиликка ва ёлланма ишчи кучига асосланади.

2.7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАЯНЧ ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш омиллари – иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш учун кишилар томонидан фойдаланилувчи ресурслар

Маркcча ёндашув

Меҳнат предмети – инсоннинг меҳнати (табиат ресурслари) қаратилган табиат ашёси

Меҳнат воситаси – инсон меҳнатга таъсир кўрсатувчи ҳамма нарсалар (меҳнат қуроллари, машиналар, дастгоҳлар, ускуналар, асбоблар, бинолар, иншоотлар)

Ишлаб чиқаришнинг ашёвий омили

Ишчи кучи – инсоннинг меҳнат қилишга бўлган жисмоний ва ақлий қобилиятлари

Ишлаб чиқаришнинг инсон омили

Омиллар таснифи


Маржинал ёндашув

Меҳнат – кишиларнинг эҳтиёжларни қондириш, даромад олишга қаратилган мақсадли хўжалик юритиш фаолияти

Ер – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилувчи ҳамма «табиат неъматлари»: ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ер майдонлари, ҳайдаладиган майдонлар, ўрмонлар, сувлар, фойдали қазилмалар конлари ва ҳ.к.

Капитал – товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи неъматлар йиғиндиси

Тадбиркорлик – даромадли ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича фаолият




16-чизма. Замонавий ишлаб чиқаришнинг таянч омиллари


2.8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ТИЗИМИДА МЕҲНАТ

Меҳнат – инсоннинг бирор-бир фойдали натижага эришиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиатни ўзгартиш ва мослаштиришга қаратилган мақсадли фаолияти.
Ишчи кучи меҳнат жараёнида сотилади.

Меҳнат қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида тавсифланади:
иш вақти (иш куни)-инсон меҳнат қиладиган давр;
- *интенсивлик*- меҳнатнинг шиддати, у вақт бирлигида жисмоний ва ақлий қувватни сарфлаш даражаси ёрдамида аниқланади;
- *маҳсулдорлик*-вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.



17-чизма. Ишлаб чиқариш омиллари тизимида меҳнат



18-чизма. Янги кўринишдаги ходимнинг асосий фарқли хусусиятлари



19-чизма. Янги кўринишдаги ходимни шакллантиришнинг асосий усуллари

2.9. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ТИЗИМИДА КАПИТАЛ

Капитал – келгуси неъматларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини берувчи неъматлар.

Капитал – турли шакллардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи.

Капитал – қўшимча қийматни келтирувчи қиймат.

Капитал ишлаб чиқариш омили сифатида:

- жисмоний капитал (нем. – асосий мулк);

- товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун кишилар томонидан яратилган, даромад келтиришга қодир ҳамма нарсалар, яъни даромаднинг ҳаракатдаги манбаи;

- ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилувчи капитал неъматлар (ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлар, дастгоҳлар, ускуналар, инфратузилма).

Капиталнинг доиравий айланиши-ишлаб чиқариш жараёни ва товарлар айланишини қамраб олувчи ҳамда капиталнинг дастлабки пул шаклига қайтиши билан якунланувчи капитал ҳаракатининг тўлиқ бир даври.

Капиталнинг доиравий айланиши формуласи: **П-Т … -И/Ч** $\begin{matrix}\text{ИВ}\\ \text{ИК}\end{matrix}$ **…- Т'-П'.**


Асосий капитал (асосий фондлар)-меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, ишлаб чиқаришнинг бир неча даврларида хизмат қилади, охиригача табиий шаклини сақлаб қолади, қийматини амортизация кўринишида моддалар бўйича маҳсулотга ўтказади, бу амортизация ҳисобидан қайта тикланади ва фирмага маҳсулотни сотиш бўйича қайтарилади (бинолар, иншоотлар, машиналар, дастгоҳлар, асбоблар).

Айланма капитал (айланма фондлар)-меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, бир ишлаб чиқариш даврида хизмат қилади, маҳсулотни сотишга қийматини бутунлай ўтказади, ҳар бир даврда тикланади ва ҳар бир сотувда фирмага қайтади (хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия).

Табиий эскириш-асосий капитал элементларининг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб, келгусида фойдаланиш учун табиий равишда кераксиз бўлиб қолиши жараёни.

Маънавий эскириш-янада арзон ёки янада замонавий ускуна пайдо бўлиши натижасида асосий капиталнинг қадрсизланиши жараёни. ФТИ билан боғлиқ.


Амортизация (лот. *amortisatio*-қоплаш)-асосий фондлар қийматининг улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматга аста-секин ўтиши, пул воситаларини мақсадли тўплаш ва уларни эскирган асосий фондларни қоплаш учун қўллаш.




Асосий фондларни активлар ва пассивларга бўлиниши

20-чизма. Асосий жамғармаларнинг тузилиши

2.10. АХБОРОТ, ФТИ ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА



21-чизма. Ахборот омилининг аҳамияти



22-чизма. ФТИнинг асосий қарама-қаршиликлари

2.11. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЭНЕРГЕТИКА, ЭКОЛОГИЯ ОМИЛЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

Энергия – ишлаб чиқариш воситаларини зарур ҳаракатга келтирувчи у ёки бу кучлар

Замонавий ишлаб чиқариш кучлари кучли ва турли-туман ёқилғи-энергетика (аввало, электр) таъминотини талаб этади.

Инфратузилма – ишлаб чиқаришнинг амал қилиши учун умумий шароитларни яратувчи тармоқ ва соҳалар

Ишлаб чиқаришга оид – ишлаб чиқаришга бевосита хизмат кўрсатувчи ёрдамчи тармоқлар: моддий-техника таъминоти, омборлар, транспорт, алоқа, ҳисоблаш марказлари, экология ҳимояси воситалари ва б.

Ижтимоий ёки ноишлаб чиқаришга оид – кишиларнинг (жумладан ишлаб чиқариш ходимларининг оилалари билан) зарур ижтимоий-маданий турмуш шароитларини таъминловчи соҳа. Бунга турар жой ва коммунал хўжалик, савдо, сотиш хизмати, таълим ва бошқалар киради.

23-чизма. Инфратузилма ва унинг қуйи тизимлари

Экология омили – инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабати, табиатни муҳофаза қилиш, сақлаш ва тиклаш зарурати билан боғлиқ муаммолар мажмуаси

Табиат

Ишлаб чиқариш учун *ресурслар манбаи*

Кишиларнинг *яшаш муҳити*

Табиатнинг ўрни

Корхоналар ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологияларга ўтади.

Экология омилининг юзага келиши

Ишлаб чиқаришда янада самарали тозалаш ва ҳимоялаш қурилмаларидан фойдаланилади.


Давлат табиатни муҳофаза қилувчи чоралар ва мувофиқ қонунчиликни қўллайди.

Экология бўйича илмий тадқиқотлар ва махсус касбий тайёргарлик амалга оширилади.


24-чизма. Экология омилининг юзага келиши

2.12. ТАДБИРКОРЛИК


Тадбиркорлик – ишлаб чиқариш жараёнида унинг омиллари: ер, меҳнат, капитални бирлаштирувчи, билим, ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида даромадли ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутувчи ишлаб чиқаришнинг махсус омили



25-чизма. Тадбиркорликнинг хусусиятлари



26-чизма. Тадбиркорлик объектлари ва субъектлари




27-чизма. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

2.13. ТАДБИРКОРЛИК ТУРЛАРИ, МЕНЕЖМЕНТ



28-чизма. Тадбиркорлик турлари



29-чизма. Менежмент, унинг усул ва вазифалари

2.14. МАРКЕТИНГ

Маркетинг – айирбошлаш орқали кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият тури

Маркетингнинг мақсадлари

Истеъмолчини юқори даражада қондиришга эришиш

Иложи борича юқори даражадаги истеъмолга эришиш

Товар ва хизматларнинг юқори даражадаги танловини тақдим этиш

Кишиларнинг турмуш сифатини юқори даражада ошириш (сифат, ассортимент, хизмат кўрсатиш маданияти ва ҳ.к.)

Маркетинг хизматининг вазифалари

- Макро ва микромуҳит (демографик, сиёсий, иқтисодий, табиий ва ҳ.к.)ни баҳолаш;
- бозор (харидорлар, товарлар, нархлар, сотувчилар ва ҳ.к.) тавсифини ўрганиш;
- бозорнинг салоҳиятини (имкониятини) ўрганиш;
- бозорни сегментлаш (улуши) таҳлили, бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш;
- товар савдоси таҳлили, товарларни тақсимлаш каналларини топиш (яратиш) (воситачилик хизмати);
- рақобатчилар товарларини (хизматларини) ўрганиш (сифат, ассортимент, номенклатура ва ҳ.к.);
- қисқа муддатли прогнозлаш;
- товарлар (хизматлар) ҳаётийлик давринининг ҳисоб-китоби;
- бозорга кириш усуллари ва янги товарни бозорга чиқариш босқичларини ишлаб чиқиш;
- талаб ва таклифни мослаштириш;
- янги (товар, нарх, сервис ва ҳ.к.) дан таъсирланишни баҳолаш;
- узоқ муддатли прогнозлаш;
- давлатнинг нарх сиёсати ва бозорни ўрганиш;
- нарх ҳосил бўлишининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- сотишни рағбатлантириш (реклама, тарғибот), ахборотни тарқатиш воситаларини танлаш

Маркетинг тамойиллари:


«Эҳтиёжларни топинг ва уларни қондиринг»

«Ишлаб чиқараётганингизни сотишга уринғандан кўра, сотиш мумкин бўлган нарсаларни ишлаб чиқаринг»

30-чизма. Маркетингнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари

2.15. КОРХОНА, ФИРМА

Корхона – маҳсулот, товарлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи, фойда олиш мақсадида иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект.



31-чизма. Фирманинг амал қилиш хусусиятлари


2.16. ХАРАЖАТЛАР ВА КОРХОНА ФОЙДАСИ

Ҳаражатлар – ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш омилларини харид қилиш ва ундан фойдаланиш ҳаражатлари.


Фойда – товар ва хизматлар даромадларининг бу товарларни ишлаб чиқариш ва сотишга қилинган ҳаражатлардан ортган қисми.

Ташқи (бухгалтерия) ҳаражатлар-фирманинг ташқаридан ресурсларни харид қилишга бевосита пул ҳаражатлари.


Ички ҳаражатлар-фирманинг пулда ҳисобга олинмаган ички ресурслари ҳаражатлари.



32-чизма. Харажатларнинг кўринадиган ва кўринмайдиган турларга бўлиниши



33-чизма. Иқтисодий ва бухгалтерия харажатлари ҳамда корхонанинг умумий тушуми таркибидаги фойда




34-чизма. Харажатларнинг доимий, ўзгарувчан, умумий, ўртача ва чегаравий (маржинал) турларга бўлиниши

1-жадвал

Доимий, ўзгарувчан, умумий, ўрта ўртача ва чегаравий (маржинал) *харажатларни аниқлаш ва уларга оид мисоллари*

Харажатлар	Маълум	Масалан
Доимий **FC (Fixed costs)**	Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар	1000 ш.б.
Ўзгарувчан **VC (Variable costs)**	Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгарувчи харажатлар	1400 ш.б. (5та буюм)
Умумий **TC (Total costs)**	Ишлаб чиқаришнинг доимий ва ўзгарувчан суммаси	1000+1400=2400 ш.б.
Ўрта **ATC(Average Total costs)**	Ишлаб чиқаришнинг маҳсулот бирлигига харажатлари	2400:5=480 ш.б.
Чегаравий (маржинал) MC **(Marginal costs)**	Ҳар қайси янги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда умумий харажатларнинг ортиши	5-маҳсулот – 2400 6-маҳсулот – 3000 } 600 ш.б.



Ишлаб чиқаришни кенгайтиришда корхонанинг фойда ва зарарлари

35-чизма. Фирманинг фойда ва зарарлари динамикаси

3-боб. Тақсимот – иқтисодиётда даромадларни шакллантиришнинг асоси

3.1. ТАҚСИМОТ ТУШУНЧАСИ

Тақсимот – бу хўжалик субъектларининг маълум маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги қўшган улуши, миқдор ва пропорциясининг аниқланиш жараёнидир.

Функциялар

Иқтисодий- эҳтиёжлар, манфаатлар ва рағбатлантиришлар тизими орқали тақсимотнинг миллий иқтисодиётга

Ижтимоий- ижтимоий эҳтиёжларни рағбатлантириш ва қондиришга хизмат қилади

Ишлаб чиқариш жараёнида

Айрибошлаш жараёнида

Ишлаб чиқариш воситалари ва даромад: фойда, иш ҳақи ва ҳоказоларнинг тақсимланиши

Истеъмол товарлари тақсимоти аҳолининг индивидуал даромадлари ва бозор нархларига боғлиқ амалга ошади, ***ишлаб чиқариш воситалари*** корхоналар даромади ва ишлаб чиқариш омиллари нархига боғлиқ амалга ошади

Жамиятнинг барча аъзолари тенг даромад ва манфаат оладилар

Тенг миқдорларда

Даромадларнинг тақсимланиши

Йиғилган мол-мулк бўйича

Қўшимча даромадлар қандайдир мол-мулкнинг тўпланиши ва мерос қилиб қолдирилишидан олинади

Бозор бўйича

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир иштирокчиси талаб ва таклиф асосида ўз самарадорлиги ва фойдалилиги асосида даромад олади

Имтиёзли хусусиятларга кўра

Фуқароларнинг имтиёзга эга қисми жамият бойлигини ўз фойдасига тақсимлайди


36-чизма. Тақсимотнинг моҳияти ва тақсимот турлари

3.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИДАН ДАРОМАДЛАР

Даромад – кенг маънода пул воситаларининг ҳар қандай келиб тушиши ёки қийматга эга моддий қимматликларни олинишини ифодалайди.



37-чизма. Даромадлар ва уларнинг турлари




38-чизма. Ишлаб чиқариш ресурсларининг асосий турлари ва улардан фойдаланишдан даромад

3.3. ИШ ҲАҚИ

Иш ҳақи-ходимга ишлаётган корхонаси, муассасаси ёки ёлловчи томонидан меҳнат орқали яратилган неъматларни сотишдан даромаднинг бир қисмини меҳнат учун пул мукофоти сифатида берилиши.

Меҳнатга **ишбай** ҳақ тўлашда ходим ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдори учун ҳақ олади.

Меҳнатга **вақтбай** ҳақ тўлашда ходим ишлаган вақти учун ҳақ олади.



39-чизма. Иш ҳақининг вақтбай ва ишбай шакллари



40-чизма. Иш хақини белгиловчи асосий омиллар

Корхонада ишчиларга иш ҳақи тўлаш тизими
учта ўзаро алоқадор ва боғлиқ элементлар ёрдамида аниқланади:

1. **Тарифли тизим** – меҳнатни сифатли баҳолаш имконини беради;
2. **Меҳнатни меъёрлаштириш** – сарф қилинган меҳнат миқдорини ҳисобга олиш имконини беради;
3. **Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими** – иш ҳақини ҳисоблаш тартибини аниқлаш имконини беради.

3.4. РЕНТА

Рента – олувчидан тадбиркорлик фаолиятини талаб этмайдиган капитал, мулк, ёки ер майдонидан олинадиган даромад.



41-чизма. Жамиятда ер рентаси ҳолати

Ернинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги хусусиятлари

ер таклифи чекланган: унинг миқдори, белгиланган ва оширилмайдиган ҳажм ҳисобланади

ер таклифи эластик эмас

Ер рентасининг ҳажми ер майдонлари ижарасига бўлган талаб ёрдамида аниқланади

ИҚТИСОДИЙ РЕНТА —
Ер эгаси ва табиий ресурсларга улардан фойдаланганлик учун тўланадиган пул

Дифференциал рента – ҳосилдорлик бўйича яхши ва ўрта ер майдонларида ишлаб чиқаришнинг умумий ва алоҳида нархлари ўртасидаги фарқ

Абсолют рента – ер майдони ҳолатидан қатъий назар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархи ва уни ишлаб чиқариш нархи ўртасидаги фарқ

Ер эгаси

ерни ижарага **беради** — ижарачи ер рентаси ва ердаги қурилмалардан фойдаланганлик учун тўловни ўз ичига олувчи **ижара тўлови** тўлайди.

ерни **сотади** — бу сумма, агар у банкка қўйилса, йиллик рентага тенг бўлган йиллик фоиз келтиради.

Ернинг нархи (капиталлаштирилган рента) = Рента ҳажми / Ссуда фоизи ҳажми х 100 %

3.5. ФОИЗ

Фоиз-қарздор кредиторга кредит, ссуда пуллар ёки моддий қимматликлардан фойдалангани учун тўлайдиган тўлов

Ссуда-моддий қимматликлар ёки пулларнинг қарздорлик шартромасига кўра бир иштирокчидан бошқасига қайтариш, одатда, фоиз тўлаш шарти билан берилиши.

Ссуда фоизи-ссуда капитали нархи.

Фоиз нормаси-ссуда капиталидан олинадиган йиллик даромаднинг ҳамма ссуда капиталларига нисбати.


Фоиз ставкаси-ссуда капиталининг йиллик фоизларда ифодаланган даромади.

Ссуда фоизининг **номинал ставкаси-**инфляция суръатлари ҳисобга олинмаган ссуда фоизининг жорий бозор ставкаси.

Ссуда фоизининг **реал ставкаси**-кутилаётган инфляция суръатлари чегирилган ссуда фоизининг номинал ставкаси.

Узоқ муддатда белгиланадиган ўртача фоиз ставкаси ва ҳар куни тўпланадиган **бозор фоиз ставкасидан фарқланади.** Унга қуйидагилар таъсир этади:

- капитал ҳажми;
- капиталнинг фойдалилиги;
- капиталга талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат.



42-чизма. Фоиз ва унинг асосий шакллари

Фоиз ставкалари ҳажмига таъсир этувчи омиллар

Таваккалчилик-қарздор ссудани тўлай олмаслиги даражаси қанча юқори бўлса, кредитор шунча кўп ссуда фоизи олади

Ссуда ҳажми-кам ссудага фоиз ставкаси юқори бўлади, чунки йирик ва кичик ссуданинг маъмурий харажатлари деярли бир хил бўлади

Муддатлилик – узоқ муддатли ссудалар қисқа муддатлиларига нисбатан юқори фоиз ставкалари бўйича берилади, чунки қарз берувчилар узоқ муддатда ўз пулларидан альтернатив фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, узоқ муддатга берилган қарзлар фойдаланишдан узоқ вақт четга чиқиб, уларга молиявий зарар келтириши мумкин.

3.6. ФОЙДА

Фойда (марксча изоҳ) –қўшимча қийматнинг ўзгартирилган шакли ёки сотилган қўшимча қиймат.

Фойда (замонавий изоҳ) – «капиталнинг чегаравий (маржинал) маҳсулоти»дан даромад.

Фойда меъёри-фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатининг фоизда ифодаланиши

Иқтисодий категориянинг изоҳи

- ❖ фойда – ишлаб чиқаришнинг ҳамма омилларидан даромад, яъни рента, фоиз ва иш ҳақи;
- ❖ фойда – тадбиркорлик фаолияти ва техникани такомиллаштириш усуллари қўлланганлиги учун мукофот;
- ❖ фойда – қалтислик ва ноаниқлик учун тўлов

Фойданинг сифат тавсифи

Фойда – товар ва хизматлардан олинган даромаднинг бу товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларидан ортиши. Тадбиркорлик субъектини хўжалик юритиш фаолияти молиявий натижаларининг муҳим кўрсаткичи.

Ялпи фойда – хўжалик юритиш фаолияти маҳсулотини сотишдан тушум ва ишлаб чиқариш омиллари харажатлари йиғиндиси ўртасидаги пулда ифодаланган фарқ.

Соф фойда – солиқ, йиғим ва ажратмалар тўлангач, қоладиган маблағ.

Бухгалтерия фойдаси – нарх (савдодан тушган даромадлар) ва ҳисобга олинган бухгалтерия харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Иқтисодий фойда – фирманинг харажатлардан ортувчи (меъёрий фойдани ўз ичига олувчи) умумий даромади.

Меъёрий фойда – мазкур корхона доирасида тадбиркорлик қобилиятини сақлаб қолиш учун зарур энг кам тўлов. Ички харажатларга боғлиқ.

Монопол фойда фирманинг бозордаги монопол ўрни (газ, нефть, темир йўл ва ҳ.к.), шунингдек, қулай табиий шарт-шароитлар (ноёб фойдали қазилмалар, қулай иқлим ва ҳ.к.) да юзага келади.

Таъсисчилик фойдаси – очиқ обуна бўйича акцияларни сотиш қиймати ва корхонага жойлаштирилган реал капитал ўртасидаги фарқ бўлиб, акциядорлик жамияти таъсисчилари томонидан ўзлаштирилади.



43-чизма. Фойда меъёрини белгиловчи ишлаб чиқариш омиллари

4-боб. Айирбошлаш – бозор иқтисодиётининг асоси


4.1. ЖАМИЯТДА ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Товар-пул муносабатлари – ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келувчи ижтимоий муносабатлар. Пул воситасида товарларни айирбошлаш қуйидаги формула билан ифодаланади: **Т-П-Т**


Товар ишлаб чиқариш-шахсий истеъмол учун эмас, балки айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқариш. Бундай ишлаб чиқариш маҳсули ***товар*** деб аталади.

Иқтисодий доиравий айланиш-пул даромадлари ва харажатлари оқимларининг юзма-юз келиши билан давом этувчи реал иқтисодий неъматларнинг айланиши.

Товар – бу бирор-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган маҳсулот.
Товар – бу махсус айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган моддий неъмат.
Моддий неъмат – эҳтиёж билан таққослаганда, чекланган миқдорда олинадиган объект ёки иқтисодий фаолият натижаси.
Товарлар моддий ва номоддий характерга эга.
Хизмат – аниқ бир шаклга эга бўлмаган, аммо инсон фаолиятининг фойда келтирувчи маҳсули.



44-чизма. Товарларнинг якуний йўналиш бўйича бўлиниши



45-чизма. Иқтисодий доиравий айланиш диаграммаси (оддий модель)

4.2. ТОВАР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Товар – олди-сотди объекти ҳисобланувчи моддий-ашёвий ва идеал шаклдаги иқтисодий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсули. Ҳар қандай товар икки иқтисодий хусусият: истеъмол қиймати ва қийматга эга.

Истеъмол ***қиймати*** – товарнинг фойдалилиги, муайян йўналиши.

*Қиймат***-**кишилар меҳнатининг товардаги ифодаси

Меҳнат жараёнининг икки тури ажратиб кўрсатилади:
1.Конкрет меҳнат – меҳнатнинг бошқа турларидан меҳнат предметлари, меҳант воситалари, меҳант усуллари ва меҳнат натижалари билан фарқ қилиб, **товарнинг истеъмол қиймати (фойдалилик)ни яратади.**
2. Абстаркт меҳнат – товар қийматини ҳосил қилувчи инсоннинг ақл ва идрок қуввати сарфи ҳаражатлари сифатида қаралади.

Товар икки хусусиятга эга бўлади:

1. Истеъмол қиймати;

2. Алмашинув қиймати.

Товарнинг кишилар ёки жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш хусусияти

Маълум миқдор улушларда бошқа товарга алмашиниш хусусияти

Қиймат – товар ишлаб чиқаришга сарф этилган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдори

Товарнинг ички қарама-қаршиликлари:
- истеъмол қиймати каби барча товарлар турли ва бир хил ўлчовга эга эмас;
- улар қиймат каби ижтимоий-зарурий меҳнатда гавдаланади ва шу асосда ўлчанади.

46-чизма. Товар тушунчаси, унинг хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари

4.3. ТОВАР ҚИЙМАТИ ҲАЖМИ

Товар қийматга эга.
Қийматнинг ҳажми масаласида учта йўналиш мавжуд:

Марксча: қиймат ҳажми товарда гавдаланган меҳнат миқдори билан аниқланади ва икки омил таъсири остида бўлади:

1. **Меҳнат самарадорлиги** – бу вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;
2. **Меҳнат интенсивлиги** – вақт бирлигида сарфланган меҳнат миқдори.

Меҳнат самарадорлигининг ошиши товар қиймати ҳажмини пасайтиради.
Меҳнат интенсивлигининг ўсиши қийматнинг умумий массасини оширади, аммо маҳсулот бирлиги қиймати ўзгармайди.

Қиймат ***индивидуал ва умумий*** бўлади:
Индивидуал – ҳар бир алоҳида олинган ишлаб чиқарувчи товари қиймати;
Умумий қиймат бозорда юзага келади.

Австрия мактаби, товар қиймати **ресурслар чегараланганлиги ва ноёблиги** ва маълум гуруҳ товарларнинг энг сўнгги намунаси келтирадиган фойдалилик билан аниқланади, деб ҳисоблайдилар.

Кембриж мактаби, товар қиймати қуйдагича аниқланади, деб ҳисоблайдилар:

- **ишлаб чиқариш харажатлари;**
- **талаб ва таклиф;**
- **сўнгги нафлилик.**

Товарнинг ижтимоий қиймати уни ишлаб чиқаришда талаб этиладиган ижтимоий-зарурий вақт билан аниқланади.
Ижтимоий-зарурий иш вақти – бу ишлаб чиқаришнинг ижтимоий нормал шароитларда ва жамиятнинг меҳнат қобилияти ва интенсивлигининг ўртача ҳолатида товарни тайёрлашга сарфланган вақт.

47-чизма. Қийматни аниқлашга асосий ёндашувлар

4.4. ПУЛ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Пул – товарларни айирбошлашда умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар.


Тўлақонли пуллар-ҳақиқий пуллар бўлиб, унда қийматга эга пулли товар иштирок этади.

Тўлиқсиз пуллар-тўлақонли пулларнинг ўринбосари бўлиб, қиймати муҳим бўлмаган ва шунга мувофиқ номиналига тўғри келмайдиган пул белгилари.

Пулнинг вазифалари

қиймат ўлчови	пул товарнинг қийматини белгилаб, уларнинг нархини аниқлайди
муомала воситаси	пул товар ва хизматларни айирбошлашда воситачи вазифасини бажаради
тўлов воситаси	пул товарларга бевосита айирбошлашсиз тўлов учун фойдаланилади
жамғариш воситаси	товар ва хизматларни келгусида сотиб олиш учун жамғарилади
жаҳон пули	пулдан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланилади


48-чизма. Пулнинг асосий вазифалари




49-чизма. Пулнинг ривожланиши

4.5. КРЕДИТ


Кредит-қайтариш, муддатлилик, моддий таъминланганлик шартига ва фоиз кўринишидаги тўловга эга бўлган пул ёки товар шаклидаги ссуда



50-чизма. Кредитнинг зарурати ва моҳияти



51-чизма. Кредитнинг асосий шакл ва турлари



52-чизма. Кредитнинг иқтисодиётдаги вазифалари ва аҳамияти

4.6. БАНКЛАР


Банк-пул капитали савдосидаги воситачи бўлиб, унинг асосий вазифаси қўйилмаларни қабул қилиш ва ссудалар бериш ҳисобланади.

Банклар қўйилмалар ва бошқа шаклда **вақтинча бўш пул капиталини жамлайди ва уларни ссудага айлантиради.**

Марказий банк-мамлакатнинг алоҳида вазифалари: пул белгилари эмиссияси ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқига эга давлатнинг асосий банки.

Эмитент банк-муомалага пул белгилари, қимматли қоғозлар, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини чиқарувчи банк.

Корреспондент банклар-корреспондентлик шартномаси асосида махсус очилган ҳисоб рақамлари орқали тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро тўловларни бажарувчи банклар.





53-чизма. Банк тизимининг тузилиши, банк фаолиятининг аҳамияти ва асосий турлари

4.7. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

Қимматли қоғоз – мулк ҳуқуқи, даромаднинг маълум қисмини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Улар акция, облигация, векселлар кўринишида мавжуд.

Қарз қимматли қоғозлар-бу барча турдаги қимматли қоғозлар эгаларига берилган қарз миқдорини ва белгиланган даромадни маълум муддатда қайтарилиши кафолатини беради.

Улушли қимматли қоғозлар мулкдорнинг жамият акционерлик (устав) капиталига улушини қўшиши, акционерлик жамиятида иштирок этиши ва фойданинг маълум қисмини дивидендлар кўринишида олиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Акция-акционерлик жамияти (АЖ) мулкига ҳисса қўшишдан далолат берувчи ва АЖ даромадининг дивидентларга тақсимланадиган қисмини олиш, шунингдек, корхона бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи муддатсиз қимматли қоғозлар.


Акциялар курси-акцияларнинг қимматли қоғозлар бозори, фонд биржаларида сотиладиган нархи.

Облигация-ташкилот мажбуриятини ифода этувчи қимматли қоғоз бўлиб, унинг мулкдорига (кредиторга) белгиланган муддат тугагунга қадар номинал қийматни тўланишини ва маълум фоиз миқдорини доимий тўланишини ифода этади.

Вексель-қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбуриятларини акс эттирувчи қимматли қоғоз, унга кўра вексел берувчи вексел эгасига белгиланган пул миқдорини сўзсиз тўлаши лозим.

Тақсимлаш белгилари ва акциялар турлари			
Фармойиш характери бўйича	Чиқариш ва муомала шакли бўйича	Овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш бўйича	Даромад миқдори ва олиш характери бўйича
• *номли* • *тақдим этувчига тегишли*	• *сертификатли* • *нақдсиз*	• *овозга ҳуқуқли* • *овозга ҳуқуқсиз*	• *оддий* • *имти*ёзли

Акцияларнинг асосий турлари




54-чизма. Қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчилари


4.8. БОЗОР ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Бозор – потенциал сотувчилар ва харидорлар ўртасида ўзаро олди-сотди муносабатлари.


Бозор иқтисодий категория сифатида харидорлар ва сотувчилар, шунингдек бозор муносабатлари субеъктларининг иқтисодий қизиқишларини акс эттирувчи ва меҳнат маҳсулотлари айирбошланишини таъминловчи товар ва пуллар ҳаракати бўйича савдо воситачилари ўртасидаги муайян иқтисодий муносабатлар ва алоқалар йиғиндисидир.



55-чизма. Бозорларнинг асосий турлари



56-расм. Бозорнинг асосий вазифалари




57-чизма. Бозорнинг ўзини ўзи тартибга солувчи уч омили

4.9. ТАЛАБ

Талаб – харидор маълум нархда, у рационал ёки муҳит таъсири остида амал қилишидан қатъий назар, мазкур бозордан сотиб оладиган товар ва хизматлари миқдори.

Талаб ҳажми – харидорлар муайян вақт ва муайян жойда мазкур нарх бўйича харид қилишга тайёр бўлган товар (хизмат)лар миқдори.

Талаб қонуни: маълум бозорда, маълум вақтда бошқа тенг шароитларда товар нархи ва унга талаб ҳажми орасида тескари боғлиқлик.




P – товар бирлиги нархи


Q – товар миқдори

Талаб эгри чизиғи – Q_d ва P нинг тескари боғлиқлигини намоён этувчи график кўриниш. У салбий оғиш бурчагига эга ва DD билан белгиланади.
D (demand) – талаб, P (price) – нарх, Q – талабдаги товар миқдори

Талаб миқдорининг ўзгариши товар нархи ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Бунда талабнинг ўзи ўзгармайди.



A,B,C ва бошқалар талаб миқдорини (ҳажмини) ўзгаришини кўрсатади.



Талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари

- истеъмолчиларнинг таъби ўзгариши
- харидорлар сони ўзгариши
- истеъмолчилар даромади ўзгариши
- ўринбосар товарлар нархи ўзгариши
- истеъмолчилар истакларидаги ўзгаришлар

58-чизма. Талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган муҳим омиллари


4.10. ТАКЛИФ


Таклиф – ишлаб чиқарувчилар маълум нарх бўйича бозорда сотишни кўзда тутган ва сота оладиган муайян товарнинг миқдори.

Таклиф ҳажми-муайян вақт оралиғида муайян нархда сотишга таклиф этилган товарлар миқдори.

Таклиф қонуни-ҳар қандай бозорда, исталган вақтда бошқа тенг шароитларда товар нархи ва унга таклиф ҳажми орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик.

Таклиф эгри чизиғи – Q_s нинг Р га тўғридан-тўғри боғлиқлиги график кўриниши. У ижобий оғиш бурчагига эга ва SS билан белгиланади.
Таклиф эгри чизиғи ишлаб чиқарувчиларнинг жорий вақтда турли нархларда қанча миқдорда маҳсулот сотишга тайёр эканликларини кўрсатади.





Товарнинг нарх ўзгаришидан ташқари бошқа барча омиллари **"нархга боғлиқ бўлмаган"** омиллар деб аталади.
Бу SS таклиф чизиғида бир нуқтадан иккинчисига ўзгаришни эмас, балки таклиф эгри чизиғининг ўзининг ўзгаришини билдиради.
- агар таклиф ортса, SS таклиф эгри чизиғи ўнгга (пастга), агар таклиф камайса, чапга (юқорига) ўзгаради.

S=f (P,Pr,kK,T,N,B)

Pr- ресурслар нархи, **K**- мавжуд технология характери, **T**- солиқлар ва субсидиялар.

Таклифга таъсир этади

- ресурслар нархи ўзгариши
- технологиялар ўзгариши
- солиқ ва субсидиялар ўзгариши
- ўринбосар товарлар нархи ўзгариши
- ишлаб чиқарувчилар сони ўзгариши

59-чизма. Таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган муҳим омиллари


4.11. МУВОЗАНАТ НАРХ

Мувозанатли нарх – рақобатли кучлар таъсири натижасида бозорда талаб ва таклифни мувозанатлаштирувчи нарх.

Эришилган мувозанат юзага келган бозор вазиятларининг катта иқтисодий самарадорлигидан далолатдир.

Мувозанатли нарх ва мувозанатли товар миқдори хусусиятлари:

1. Бозорда инсонлар истеъмоли учун зарур бўлган миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлмаган товарлар тақдим этилади. Неъматларни ишлаб чиқариш ҳаражатлари уларнинг мувозанатли нархи бўйича қопланади.
2. Мувозанат нуқтасида катта иқтисодий самара ҳам ифодаланган. Истеъмолчи мувозанатли баҳога фойдали маҳсулотларнинг юқори миқдори (унинг даромади улуши)ни сотиб олади.
3. Бозорда товарлар ортиқчалиги ҳам (аҳоли даромадларининг мазкур ҳажмида сотиш учун ортиқча миқдор), неъматлар танқислиги (етишмовчилиги) ҳам кузатилмайди.



E нуқта – нарх мувозанати нуқтаси

А) мувозанат нархидан юқори нархларда **(P_3)**да-талаб таклифдан **AB** кесими миқдорига ортиқ бўлади (бозорда товарлар ортиқчалиги).

Б) мувозанат нархидан паст нархларда (**P_1**)да-таклиф талабдан **MN** кесими миқдорига ортиқ бўлади (бозорда товар етишмаслиги).

Бозор нархи D ва S эгри чизиқлари кесишган нуқтада ҳосил бўлади. Бу нуқта харидор ва сотувчини тенг қониқтиради.Бу бўйича қуйидаги бозор нархлари шаклланиши амал қилади.

Нарх талаб ва таклиф тенг ҳолатдаги даражага интилади

D нинг S дан ортиши-мувозанат нархининг ўсиши

D ва S нинг бир вақтда ўсиши – мувозанат сотув ҳажмининг ошишини келтириб чиқаради

S нинг D дан ортиши –мувозанат нархининг тушиши


D ва S бир хилда ўзгарса, мувозанат нархи ўзгармайди

60-чизма.Мувозанат нархи ўрнатилиши жараёни


4.12. РАҚОБАТ

Рақобат – бу неъматлар миқдори ва истеъмол талаби чекланган жойда юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви.

Истеъмолчилар ҳам, фирмалар ҳам рақобатлашиши мумкин.



61-чизма. Асосий рақобат турлари




62-чизма. Иқтисодиётда рақобатнинг аҳамияти

4.13. БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Бозор инфратузилмаси – бу товар ва хизматлар ҳаракатига кўмаклашувчи ташкилий-ҳуқуқий шакллар йиғиндиси.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси-бу алоҳида бозорлар доирасида ҳаракатланувчи ва уларнинг меъёрий тартибда амал қилишини таъминлаш бўйича маълум вазифаларни бажарувчи ўзаро боғлиқ ихтисослаштирилган институтлар йиғиндиси.

Бозор инфратузилмаси институтлари-бозор муносабатлари амал қилиши, барча бозор фаолияти турларининг муваффақиятли фаолиятини таъминловчи корхоналар йиғиндиси.



63-чизма. Инфратузилма фаолияти

инфратузилма	Улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ким ошди савдолари, ярмаркалар, воситачилик фирмалари, товар биржалари	ТОВАР БОЗОРИ
	Банклар, суғурта компаниялари, фондлар, фонд бозорлари	МОЛИЯВИЙ БОЗОР
	Меҳнат биржалари	ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ
	Ахборот марказлари, адлия идоралари, реклама агентликлари, аудиторлик фирмалари	

Бозор инфратузилмаси вазифалари
бозор муносабатлари иштирокчиларининг манфаатларини амалга оширишни енгиллаштириш;
ихтисослаштириш асосида бозор субъектлари иши самарадорлигини ва тезкорлигини ошириш;
бозор муносабатларини ташкилий расмийлаштириш;
ишбилармонлик амалиётини давлат томонидан ва ижтимоий тартибга солиш, юридик ва иқтисодий назорат шаклини енгиллаштириш

64-чизма. Ҳозирги бозор инфратузилмаси ва унинг вазифалари

5-боб. Истеъмол-иқтисодий фаолиятнинг асосий мақсади

5.1. ЭҲТИЁЖЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Эҳтиёжлар – инсоннинг барча табиий, ижтимоий ва маънавий муҳтожлиги (етишмовчилик).

Иқтисодий назарияда иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи мотив ҳисобланадиган эҳтиёжлар, яъни **товар ёки хизматлар ёрдамида қондириладиган аниқлаштирилган истаклар** кўриб чиқилади.

Истеъмол-эҳтиёжларни қондириш мақсадида неъматлардан фойдаланиш, истеъмол қилиш ва татбиқ этиш.

Ишлаб чиқариш истеъмоли-ишлаб чиқариш жараёнида **ресурслардан** фойдаланиш ва **ноишлаб чиқариш истеъмоли-**умумий ҳамда шахсий эҳтиёжларни қондириш учун неъматларнинг инсонлар ва аҳоли томонидан **якуний истеъмол қилинишини ифодаловчи истеъмол шакллари фарқланади.**

ЭҲТИЁЖЛАР (турлари бўйича таснифи)		
Мезон: эҳтиёжларни кечиктирмаслик даражаси		
	Экзистент (бирламчи)	***Инсон учун ҳаётий зарур:*** *овқатланиш, кийим-бош, турар-жой*-инсоннинг бирламчи ҳаёти учун зарур эҳтиёжлар.
	Люкс (иккиламчи)	***Маданият, дабдаба предметларига эҳтиёж:*** адабиёт, санъат, саёҳат, кўнгил очиш, зеб-зийнат предметлари-инсон ҳаётини янада ёқимли қилувчи нарсаларга эҳтиёжлар.
Мезон: қамров даражаси		
	Алоҳида	Ҳар бир кишида юзага келади ва алоҳида қабул қилинган қарор асосида қондирилади (шахсий парвариш предмети, маиший техника, шахсий транспорт)
	Жамоавий	**Маълум жамоа**, ижтимоий гуруҳ ёки бутун миллат **доирасида қондириладиган эҳтиёжлар** (умумий хавфсизлик, ижтимоий таъминот, инфратузилманинг бошқа барча объектлари)
Мезон: эҳтиёжларни англанганлик даражаси		
	Англанган (аниқ)	**Инсонда** эҳтиёжларга нисбатан **олдиндан юзага келган аниқ тушунча**, нуқтаи назардан юзага келган эҳтиёжлар
	Англанмаган (яширин)	Жамиятни иқтисодий ривожлантириш жараёнида пайдо бўлган, **инсон ҳали реал англаб улгурмаган** эҳтиёжлар.
Мезон: неъматларга эга бўлиш имконияти		
	Тўловга қодир бўлган эҳтиёжлар	
	Тўловга қодир бўлмаган эҳтиёжлар	
Мезон: эҳтиёжларнинг қондирилиш кетма-кетлигига боғлиқ ривожланиши (*Маслоу Пирамидаси, руҳий тасниф****)***		
	1. Физиологик	
	2. Хавфсизлик	
	3. Ижтимоий (муҳаббат, оилага мансублик, ҳурмат)	
	4. Ўз-ўзини баҳолаш эҳтиёжи (нуфуз)	
	5. Мустақил ривожланиш ва ўз-ўзини намоён этиш эҳтиёжи	

Эҳтиёжларнинг ортиш қонуни ишлаб чиқариш ва маданиятнинг ривожланиши натижасида инсон эҳтиёжларининг объектив (инсонларнинг эрки ва истагидан қатъий назар) ўсиб ва такомиллашиб бориши заруратини ифодалайди.

5.2. НЕЪМАТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Неъмат – фойда келтирувчи, яъни қандайдир эҳтиёжларни қондирувчи ҳар қандай воситалар. Неъматлар иқтисодий ва ноиқтисодий (эркин) бўлади.

Иқтисодий неъматлар – эҳтиёжларга нисбатан чекланган, ишлаб чиқарилиши харажатлар билан боғлиқ ва шунинг учун бозорда ўз баҳосига эга бўлган неъматлар.

НЕЪМАТ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАСНИФИ)			
Мезон: неъматларни ишлаб чиқаришда инсоннинг иштироки			
	Иқтисодий	*Ўзига хос белгилари:* * миқдор жиҳатдан чекланган * ишлаб чиқаришда харажатлар зарурати * мавжуд бозор баҳоси	
	Ноиқтисодий (эркин)	*Ўзига хос белгилари:* * миқдор жиҳатдан деярли чекланмаган * ишлаб чиқариш харажатларининг йўқлиги * бозор баҳосининг мавжуд эмаслиги	
Мезон: неъматлар субстанцияси			
	Моддий	*неъматларнинг ашёвий шакли*	*Ўзига хос хусусиятлари:* * ишлаб чиқариш ва истеъмол турли вақтда бажарилади
	Номоддий	*хизматлар*	*Ўзига хос хусусиятлари:* * ишлаб чиқариш ва истеъмол бир вақтда бажарилади * хизматлар мулкка кирмайди * хизматлар сақланмайди
Мезон: бозор тизими ёки давлат томонидан яратилади			
	Хусусий	Бозор тизими орқали яратилади ва уларга ҳақ тўлаганларгагина тақдим этилади	
	Ижтимоий	Давлат томонидан барча фуқароларга тақдим этилади (ички ва ташқи хавфсизлик тизими, ҳуқуқий тартиб, ижтимоий неъматлар)	
Мезон: фойдаланиш характери			
	Истеъмол (бевосита)	Жорий истеъмол неъматлари	
	Ишлаб чиқариш (билвосита)	Ишлаб чиқариш ресурслари (жиҳоз, бино, ер, касбий кўникмалар ва малака)	
Мезон: ўзаро қиёсийлик характери			
	Комплиментар неъматлар	Истеъмол давомида бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган неъматлар	
	Субститутлар	Ўзаро алмашинадиган (муқобил) неъматлар	
Мезон: истеъмолнинг давомийлиги			
	Қисқа муддатли истеъмол	Хизмат муддати бир йилдан ошмайди	
	Узоқ муддатли истеъмол	Хизмат муддати бир йилдан ортиқ	

5.3. ИҚТИСОДИЁТДА ИСТЕЪМОЛЧИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Иқтисодиёт эҳтиёжларни қондириш мақсадида мавжуд. Алоҳида истеъмолчи эса турли иқтисодий тармоқларда умуман турлича аҳамият касб этади.


Анъанвий иқтисодиётда алоҳида истеъмолчилар ўртасида фарқ аҳамиятсиз, чунки истеъмол тури ва миқдорини анъаналар белгилайди.	**Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда** ҳукумат тузилмалари вакиллари энг муҳим истеъмолчи сифатида иштирок этади. Оддий истеъмолчига эса маҳсулотлар чекланган ассортиментда таклиф этилади.	**Бозор иқтисодиётида** Истеъмолчиларнинг пуллари ишлаб чиқарувчиларнинг ягона даромад манбаидир, шунинг учун истеъмолчининг айнан шу танлови охир оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ва миқдорини белгилайди.

Истеъмолчи танлови охир оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ва миқдорини белгилайдиган вазиятни иқтисодчилар **истеъмолчининг эркинлиги** деб атайдилар

Суверенитет шартлари:

1) истеъмолчи, агар унда танлов эркинлиги, яъни ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат бўлсагина «**суверен**» бўлиши мумкин;

2) истеъмолчи барча зарурий ахборотга эга бўлиши лозим.



Истеъмол бюджети

Даромадлар	Харажатлар
1. Ойлик маоши. 2. Тадбиркорлик даромади. 3. Мулкдан даромад (рента, фоиз, дивиденд, ижара тўловлари). 4. Давлат трансферт тўловлари (пенсия, стипендиялар, нафақа, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида пулсиз хизматлар). 5. Бошқа манбалардан даромадлар.	1. Ижтимоий суғурта. 2. Солиқлар. 3. Истеъмол (энг зарур товарлар, замонавий товарлар ва дабдаба предметлари). 4. Инсон капиталига инвестициялар 5. Ижтимоий ташкилотларга ихтиёрий тўловлар ва хайриялар. 6. Бошқа харажатлар. 7. Жамғарма.

Минимал истеъмол бюджети-бу ҳаётий зарур товарлар ва хизматларга мажбурий ҳаражатларнинг энг кам миқдори. Агар шахсий даромад минимал истеъмол бюджетидан ошмаса, у ҳолда истеъмолчининг суверенитети намоён бўлмайди. Истеъмолчининг харидорлик қобилиятининг унинг пуллик даромади миқдори билан чекланганлиги **бюджет чекланганлиги** дейилади.

5.4. ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИ

Истеъмолчилик ҳатти-ҳаракати – бу истеъмолчиларнинг турли товар ва хизматларга талабини шакллантириш жараёни.

Ўрта истеъмолчи ҳатти-ҳаракатларининг ўзига хос умумий хусусиятлари

истеъмолчи талаби истеъмолчининг шахсий бюджети ҳажмига таъсир этувчи унинг даромадлари даражасига боғлиқ	ҳар бир истеъмолчи шахсий пулига «истаганини» харид қилишга, яъни умумий фойдалиликни максималлаштиришга интилади	ўрта истеъмолчи шахсий аниқ афзалликлар тизими, ўз таъби ҳамда моддага муносабатига эга	истеъмолчининг талабига бозорда ўзаро ўринбосар ёки бир-бирини тўлдирувчи товарлар бор ёки йўқлиги таъсир этади

Фойдалилик – товар ва хизматларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлар қондирилишини таъминлаш, яъни уларнинг қаноатлантириш манбаи бўлиш хусусияти ҳисобланади.

Истеъмол қилинган неъматлар тўпламидан олинган **умумий фойдалилик** неъматларнинг қўшимча бирликларига эга бўлиш орқали ортиб боради

Чегаравий (маржинал) фойдалилик – харид қилинган неъматларнинг ҳар бир қўшимча бирлигидан фойдалилик. Эҳтиёжни тўйинтириш жиҳатидан маржинал фойдалилик қисқариш йўналишига эга.

Товарлар тўпламининг **чегаравий (маржинал) фойдалилиги** истеъмол қилинган товарнинг сўнгги бирлиги фойдалилиги билан аниқланади

«Даромад самараси»-агар товарнинг нархи пасайтирилса, у ҳолда истеъмолчи даромадининг харид қобилияти ортиб боради

«Ўриндошлик самараси»-товарлар нархи тушганда кишилар арзонлаштирилган неъматларни бошқа нисбатан қиммат товар ва хизматларга ўзгартиришга интиладилар

Истеъмолчилик ҳатти-ҳаракати қоидаси - бир товарга сарфланган пул қиймати ҳисоб-китобининг юқори фойдалилиги, бошқа товарга сарфланган пул қийматининг юқори фойдалилигига тенг бўлса оптимумга интилади

Истеъмолчилик мувозанати истеъмолчининг бюджет ҳаражатлари таркиби, унга харид қилинган жами истеъмол неъматлари тўпламидан катта умумий фойдалиликни таъминловчи ҳолатдир

Идеал рационал истеъмолчи - ***Homo economicus (тежамкор киши)*** - шахсий афзалликлари тизимини мутлақо аниқ биладиган, барча муқобилларни ҳисобга оладиган ва ўзи учун максимал фойда олиш тамойилига мувофиқ ҳолда қарор қабул қиладиган киши.

3 – БЎЛИМ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАКРОДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

6-боб. Макроиқтисодиётнинг асосий тавсифлари


6.1. МАКРОИҚТИСОДЁТ

Макроиқтисодиёт – иқтисодиётнинг амал қилишини ягона бирлик сифатида ўрганувчи ва таърифловчи иқтисодий фан тармоғи.

Макроиқтисодиёт:

– бу миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари ва қонуний амал қилиши, шунингдек уни тартибга солиш усуллари ва воситаларини тадқиқ этувчи фан;

– иқтисодиётда субъектларнинг ўзаро бирлашган/қўшилиб кетган (ялпи) ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фан.



65-чизма. Макроиқтисодиётнинг мантиқий модели

6.2. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Миллий иқтисодиёт – маълум ҳудудий чегараларда тарихан юзага келган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизими

Миллий иқтисодиёт - хўжалик субъектлари ўртасида миллат фаровонлигини ошириш мақсадида, миллий маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича яхлит ўзаро алоқалар тизимини ўзида намоён этади.

Миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳалари - ҳар бири ўзининг тузилмавий ҳосил қилувчи унсурлари – тармоқларига эга моддий ва номоддий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш соҳаси.

Миллий иқтисодиёт тузилмасининг нисбий барқарорлиги. Турли ички ва ташқи омиллар ушбу тизимнинг узлуксиз модификацияланишига ёрдам беради.

Такрор ишлаб чиқариш тузилмаси

Ажратиш мезони – макроиқтисодий субъектларнинг вазифалари ва хўжалик юритиш хусусиятлари: уй хўжаликлари, бизнес ва давлат

Ижтимоий тузилма

Ажратиш мезони-турли мулк шакллари, меҳнат ва даромадлар турлари, корхоналар гуруҳи

Тармоқли тузилма

Ажратиш мезони - ишлаб чиқариш вазифалари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа натижаларнинг бир хиллиги

Ҳудудий тузилма

Ажратиш мезони – ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши

Инфратузилма

Ажратиш мезони-баъзи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш хусусиятлари

Ташқи иқтисодий алоқалар тузилмаси

Ажратиш мезони-бир ёки бир неча мамлакат субъектининг ўзаро таъсири

66-чизма. Миллий иқтисодиётнинг таркиби

6.3. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

Макроиқтисодий кўрсаткичлар– макроиқтисодий таҳлилнинг агрегатлашган катталиклари

Агрегатлар сифатида нарх, бандликнинг умумий даражаси, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий миқдори, ялпи даромадлар, ялпи истеъмол ва жамғарма кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Дефлятор – пулдаги иқтисодий кўрсаткичларни қайта ҳисоблаш, уларни аввалги

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

товар ва хизматлар ишлаб чиқариш:

■ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ)-ишлаб чиқарувчиларнинг қайси давлатга мансублигидан қатъий назар маълум вақтда (одатда бир йилда) мазкур давлат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча якуний неъматларнинг бозор қиймати.

■ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ (ЯММ)-маълум вақтда (йилда) жойлашган ўрнидан қатъий назар мазкур давлатнинг миллий хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний неъматларнинг бозор қиймати.

■СОФ ЯЛПИ (ЁКИ МИЛЛИЙ) МАҲСУЛОТ-СЯМ (СММ)-якуний маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолда ҳисобдан чиқарилган ускуналари алмаштирилгандан сўнг қолган миқдори.

■МИЛЛИЙ ДАРОМАД (МД)-йил давомида фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурслари бўйича барча даромадлар миқдори.

бюджет-солиқ соҳаси:

■давлат бюджети даромадлари ва харажатлари

■давлат бюджети танқислиги

■ЯИМдан солиқ чегирмалари даражаси

пул-кредит соҳаси:

■инфляция даражаси

■Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси

■пул массаси ҳажми

ташқи савдо:

■экспорт

■импорт

■ташқи савдо айланмаси

турмуш даражаси:

■аҳоли жон бошига ялпи ички (ёки миллий) маҳсулот

■аҳоли жон бошига миллий даромад

■ШАХСИЙ ДАРОМАД (ШД)-уй хўжаликларига шахсий солиқларни тўлагунларига қадар тўланган аҳолининг шахсий даромадлари, ялпи даромад.

■ИХТИЁРИЙ ДАРОМАД (ИД), шахсий ихтиёрий даромадлар, аҳоли ўз ихтиёрича сарфлай оладиган шахсий даромадлари қисмидир. ИД истеъмол қилиш ва жамғаришга фойдаланилади.

■истеъмол нархлари индекси (ИНИ)-жорий йилдаги истеъмол саватчаси нархининг базис (асосий) йилдаги истеъмол савати нархига нисбати

аҳоли бандлиги:

■ишсизлик даражаси

■ишчи кучи ва бандлик сони

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобларининг ўзаро алоқаси

СММ = ЯИМ– амортизация

МД = СММ-бизнесга билвосита солиқлар


ШД = МД-корпорация фойдаси-ижтимоий суғурта тўловлари-корпорациянинг фойда солиғи + дивидендлар + ижтимоий трансфертлар

ИД = ШД-индивидуал солиқлар (мажбурий тўловлар билан)


6.4. ЯММ (ЯИМ)НИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Реал ЯММ (ЯИМ)-базис йил нархларида ифодаланган ЯММ (ЯИМ) (ҳисоблаш: номинал ЯММ (ЯИМ) / ЯММ (ЯИМ) дефлятор).

ЯММ дефлятори – товар ва хизматларнинг бозор саватчаси жорий йил нархининг товар ва хизматларнинг бозор саватчаси базис йил нархига нисбатининг фоиздаги ифодаси



67-чизма ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги таркибий нисбатлар



68-чизма. ЯММни хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари ва харажатлари бўйича шакллантирилиши

ЯММ ҳисоб-китоб усуллари		
1. Харажатлар бўйича ҳисоб-китоб	**2. Даромадлар бўйича**	**3. Қўшимча қиймат бўйича**
GNP = C + I + Y + X, бу ерда: C-истеъмол (харажат); I-инвестициялар (харажат); Y-ҳукумат харажатлари; X-соф экспорт.	**GNP = W + R + i + P + T_c+A,** бу ерда: W-иш ҳақи; R-рента; i-фоиз; P-фойда; T_c-бизнесга билвосита солиқлар; A-амортизация	Ялпи миллий маҳсулот барча иқтисодий соҳаларнинг қўшимча қиймати йиғиндиси сифатида аниқланади

6.5. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ

Ялпи талаб (AD) – маълум давр ва шароитларда якуний товарларга мамлакат бозорларидаги умумий талаб йиғиндиси

Ялпи таклиф (AS) – нархларнинг турли белгиланган даражасида фирмалар ва уй хўжаликлари бозорга тақдим этишга тайёр бўлган неъмат ва хизматларнинг умумий миқдори

AD-AS модели — *макроиқтисодий мувозанатнинг асосий модели.*

Макроиқтисодий мувозанат — *миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан нархлар даражаси ўртасидаги мувозанат.*

Ялпи талаб ва ялпи таклиф тенглиги шароитида таъминланади.


Ялпи талаб мазмунан ЯММга яқиндир

Унинг миқдорини нархларнинг маълум даражасида Фишер формуласидан фойдаланган ҳолда харидорларнинг харажатлари сифатида ифодалаш мумкин:

MV = PQ,

бунда M – мамлакатнинг пул миқдори
V –пулларнинг айланиш тезлиги
P-товарларнинг ўртача нарх даражаси
Q – мамлакат бозорларидаги товар миқдори

MV кўпайтма ялпи талабни, PQ –кўпайтма эса ялпи миллий маҳсулотни белгилаш имконини беради



Ялпи талаб омиллари

Ялпи таклиф омиллари

Баҳоли:
1. Фоиз ставкасининг самараси;
2. Мулк самараси ёки реал синфий қолдиқлар самараси
3. Импорт харидлари самараси

Баҳоли:
1. Маҳсулот нархлари
2. Ишлаб чиқариш омиллари нархи

Мувозанат турлари

Баҳосиз:
- Уй хўжаликларининг истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар;
- Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар;
- Давлат харажатларидаги ўзгаришлар;
- Соф экспорт ҳажмига харажатлар ўзгариши


Баҳосиз:
- Ресурслар нархи ўзгариши;
- Унумдорликдаги ўзгаришлар;
- Ҳуқуқий меъёрлар ўзгариши

1) 0Q1 оралиғида ишлаб чиқариш омилларининг тўлиқсиз бандлигига эришилади: ишсизлик мавжуд бўлмайди, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмайди, ортиқча заҳиралар мавжуд;
2) 0Q3 оралиғида –ишлаб чиқариш омилларининг тўлиқ бандлиги ва баъзи заҳиралар мавжуд бўлганда мувозанат таъминланади;
3) 0Q4 оралиғида мувозанат нархлар ўзгариши билан таъминланади, чунки барча ишлаб чиқариш омиллари ва заҳиралари фойдаланилган.


6.6. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Иқтисодий ўсиш потенциал ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ кўрсаткичларда ва аҳоли жон бошига узоқ муддатли ортиб боришини ёки ўтган даврга нисбатан ўсишини намоён этади.


Иқтисодий ўсиш суръати мазкур мамлакат иқтисодиёти қанчалик тез ривожланаётганини аниқлаш имконини берувчи кўрсаткичдир.



69-чизма Иқтисодий ўсишнинг салбий ва ижобий жиҳатлари



70-чизма. Иқтисодий ўсишнинг икки йўли



71-чизма. Иқтисодий ўсишни белгиловчи омиллар


6.7. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Истеъмол (С) – бу бирор-бир давр давомида харид ва истеъмол қилинган умумий товарлар миқдори.

Жамғарма (S) – бу даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми.

Инвестициялар (I) – иқтисодиётнинг турли тармоқларига мамлакат ичкарисида ва хорижда давлат ҳамда хусусий сектор томонидан фойда олиш мақсадида капитал ва қимматли қоғозларнинг узоқ муддатли қўйилмаси.

Истеъмол, жамғарма, инвестициялар миллий даромадга (миллий даромаднинг қандай ишлатилаётгани) таъсир этувчи омиллар ҳисобланади ва миллий даромаднинг келгусидаги ҳажмини белгилайди.



72-чизма. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

7-боб. Макроиқтисодий беқарорлик ва унинг кўринишлари


7.1. МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК ТУШУНЧАСИ

Макроиқтисодий беқарорлик – умумий кўламда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг номутаносиблиги, миллий иқтисодиётда меъёрий алоқалар ва мутаносибликларнинг бузилиши.

Макроиқтисодий беқарорлик-макроиқтисодиётнинг беқарорлик ҳолати, бунда муҳим кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш ҳажми, нарх даражаси, меҳнат қила оладиган аҳоли бандлиги, фоиз нормаси ва ҳ.к.лар барқарор ҳолатдан кескин оғади, бунинг оқибатида иқтисодий ўсиш қарама-қарши жараён-*инқирозга* учрайди.

Мувозанат – бу иқтисодиётда шундай ҳолатки, бунда иқтисодий қарор қабул қилувчи шахс ўз режасини ўзгартириши учун ҳеч қандай ундовчи омиллар (мотивлар) бўлмайди.

Иқтисодий мувозанат – ресурслар ва эҳтиёжлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик, чекланган ресурслардан бозорда товар ва хизматлар яратиш ва уларни жамият аъзолари ўртасидаги қайта тақсимланиши сифатида юзага чиқади. Мувозанат жамиятда ҳаммани қаноатлантирувчи танлов сифатида гавдаланади.



Макроиқтисодий мувозанат муаммоси

қуйидагича юзага келади:

1) бозор доиравий айланиш жараёнида даромад ва ҳаражатлар тенглиги мажбурий шарт ҳисобланади;
2) (бир) харажатлар ҳақиқатда доимо (бошқа) даромадларга айланади;
3) даромадлар харажатларга айланиши шарт эмас, умуман уларнинг тенглашиши ҳам шарт эмас;
4) уй хўжаликлари учун даромадларнинг харажатлардан юқори бўлиши сақланади;
5) фирмалар учун харажатларнинг даромадлардан ортиши.

73-чизма. Макроиқтисодий тенглик ва беқарорлик тушунчаси


7.2. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДАВРИЙЛИГИ

Даврийлик – миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалигининг ягона бирлик сифатида ривожланиш шакли, бутун иқтисодиётда бир макроиқтисодий мувозанатдан бошқасига тўла ўтиш

Иқтисодий ривожланиш даврийлиги-ишлаб чиқаришда кўтарилиш ва тушиш даврийлиги, бандлик, ишлаб чиқариш ва инфляция даражасининг кескин тебраниши.

Иқтисодий давр- иқтисодий фаоллик даражасида қатор йиллар давомида такрорланиб турадиган кўтарилиш ва тушишлар.

Даврийлик-бу бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини тартибга солиш усули, унинг доира эмас, балки спирал бўйича ҳаракати илдам ривожланишини англатади.



74-чизма. Иқтисодий ўсиш ва унинг даврлари

Иқтисодий ўсиш босқичи			
	Давр босқичлари		**Умумий тавсиф**
кўтарилиш	1	**Жонланиш**	Инқирозгача ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши; истеъмол товарлари ва хизматлари ҳамда ишлаб чиқариш омилларига талабнинг ошиши; асосий капитални янгиланиши, нархларнинг кўтарилиши, ишсизликнинг қисқариши
	2	**Юксалиш**	Асосий капиталнинг ишлаб чиқариш ва янгиланиш ҳажмларининг давомий ўсиши; инвестиция ва истеъмол талаби ортиши; нарх ва даромадлар ортиши, ишсизлик қисқариши
тушиш	3	**Инқироз**	Сотилмаган маҳсулотлар миқдори кўпайиши; ссуда фоизларининг ўсиши; кредитлар қисқариши; тўловга ноқобиллик; оммавий банкротлик, ишсизлик ўсиши; акциялар котировкаси тушиши; асосий капиталнинг қадрсизланиши
	4	**Турғунлик**	Ишлаб чиқаришда тушишлар суръати қисқаради (турғунлик); сотилмаган товар заҳираларнинг тугатилиши; инвестиция ва истеъмол талабларидаги тушишларнинг сусайиши; оммавий ишсизлик ва нархларнинг пастлиги сақланиб қолади; иқтисодиётда капитал жамғариш ва ўсиш нуқтаси пайдо бўла бошлайди

7.3. ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

Иқтисодий инқироз – ишлаб чиқариш пасайиши ва тўхташи, янада мураккаб вазиятларда эса хатто ишлаб чиқариш кучлари бузилишига олиб келувчи иқтисодиётдаги мувозанат бузилиши.

Инқироз иқтисодий даврнинг асосий босқичи ҳисобланади

Инқироз ишлаб чиқаришни умумий қайта ташкил этиш ҳолатини эслатиб, нархларнинг тез тушиши, банкларнинг банкротлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг тўхтаб қолиши, ссуда фоизи, ишсизлик ортиши кабилар билан намоён бўлади.

Инқирознинг соғломлаштирувчи аҳамияти

- Инқироз иқтисодиётни ижтимоий ишлаб чиқариш мутаносиблигидан ташқарида бўлган тузилмадан озод этади
- Инқироз юқори ҳаражатлар, қолоқ техника-технология ва меҳнатни ташкил бўйича оқсаётган корхоналар фаолиятини тугатади
- Инқироз ишлаб чиқариш камайганда ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳажми ва пулга эҳтиёж ўртасидаги нисбатни тиклайди

Иқтисодиётда мувозанат бузилиши миқёси бўйича

Умумий инқирозлар – барча миллий хўжаликларни қамраб олади

Қисман инқироз – бирор-бир соҳа ёки тармоқда тарқалади

Молиявий – молиянинг издан чиқиши, доимий бюджет танқисликлари.
Пул-кредит – қўйилмаларнинг массали қайтариб олиниши, банкларнинг инқирозга учраши, акциялар курси ва банк фоизларининг тушиб кетиши.
Валютали – валютанинг қадрсизланиши, валюта курсининг тушиши.
Биржа – қимматли қоғозларнинг курси кескин тушиши, фонд биржалари фаолияти сусайиши

Иқтисодиётда мувозанатнинг мунтазам бузилиши бўйича

Даврий инқирозлар доимий тарзда такрорланади (даврий).

Оралиқ инқирозлар – тўлиқ иш даврига эга бўлмайди ва бирор-бир даврда узилиб қолади (чуқурроқ ва давомийроқ)

Бетартиб инқирозлар – алоҳида юзага келиш сабабларига эга.

Тармоқли – ишлаб чиқариш таркиби ўзгариши билан боғлиқ.
Аграр – қ/х маҳсулотлари савдосини кескин тўхташи, қ/х маҳсулотлари нархининг тушиши
Таркибий – ишлаб чиқариш тармоқлари орасидаги нисбатлар бузилиши

Такрор ишлаб чиқариш мутаносибликларининг бузилиш характерига кўра

Ортиқча ишлаб чиқариш инқирози–ўз истеъмолчисини топмаган товарларни ортиқча чиқарилиши.

Етарлича ишлаб чиқарилмаганлик инқирози – аҳолининг тўловга қобиллик талабини қондириш учун товарларнинг етишмаслиги

75-чизма. Иқтисодиётда инқирозларнинг аҳамияти ва уларнинг турлари

7.4. ИНФЛЯЦИЯ

Инфляция – бу мамлакат ички бозорига келиб тушган товар ва хизматлар нархининг узоқ муддатли ўсиш даражаси

Инфляция сабаблари унинг механизмларига асосланади

Талаб инфляцияси *ялпи талабнинг таклифдан ортиб кетиши*, товар дефицити натижасида пулнинг қадрсизланиши ва “ортиқча талаб – нархлар” инфляция спиралининг ривожланиши

Таклиф инфляцияси *ишлаб чиқариш харажатларининг (айнан иш ҳақи)* ошиши натижасида, занжирли боғланиш характерига кўра нархларнинг ўсиши

Инфляция даражаси ўртача нархлар даражасини нархлар индекси билан таққослаш асосида аниқланади:

$$Инфляция\ даражаси = (P_2 - P_1) / P_1$$

Бу ерда: P_2 – жорий йилдаги ўртача нархлар
P_1 – ўтган йилдаги ўртача нархлар

Инфляция турлари

Мезонлар	Турлар	Тавсиф
Нархларнинг ўсиш суръати	мўътадил	йилига 10% гача
	ўзгарувчан	йилига 200% гача
	гиперинфляция	йилига 1000% дан юқори
Башоратларга мувофиқлик даражаси	башоратланган	кутилган
	башоратланмаган	кутилмаган
Ташқи кўринишлар	очиқ	нархлар ўсиши
	яширин	нархлар сақланган ҳолда товарлар сифатининг ёмонлашуви
	ёпиқ (бостирилган)	товарлар танқислигида белгиланган нархлар
Турли нархлар ўсиш суръатлари мутаносиблиги	баланслаштирилган	нархларнинг ўсиш динамикаси ўзгармайди
	баланслаштирилмаган	нархлар турли мутаносибликларда ўзгаради

Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

- шахсий жамғармалар ва даромадларнинг реал қийматининг қисқариши
- аҳоли турмуш даражасининг пасайиши
- меҳнатга рағбатнинг сусайиши
- муддатли қопланадиган ишлаб чиқаришнинг самарасизлиги
- бошқарилмайдиган инфляция бутун миллий иқтисодиёт бошқарувини ёмонлаштиради

76-чизма. Инфляциянинг оқибатлари

7.5. ИШСИЗЛИК

Ишсизлик – фаол, меҳнатга яроқли аҳолининг маълум қисми бажаришга иш тополмайдиган ижтимоий-иқтисодий вазият.

Ишсизлик даражаси (ИД) умумий ишсизлар (И) сонини ишчи кучи (ИК) сонига фоизлардаги нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган меъёр билан тавсифланади.

ИД = И / ИК * 100%

Ишсизлик турлари

- **даврий** – иқтисодий цикл (давр) давомида ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши билан тушунтирилади
- **фрикцион-**яхши меҳнат шароитларини излаш билан боғлиқ қисқа муддатли ихтиёрий ишсизлик
- **таркибий** –ишлаб чиқаришни техник қайта қуришда маълум малакага эга ишчи кучига талаб қисқарганда юзага келади
- **қисман** – кишилар тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида ишлайдиган ҳолатлар

77-чизма. Ишсизликнинг асосий турлари

Ишсизликнинг табиий даражаси-тўлиқ бандликда, яъни даврий ишсизлик мавжуд бўлмагандаги ишсизлик даражаси.

Ишсизлик табиий даражасидан ошган шароитда ишламаётган ишчи кучи воситасида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар потенциал ҳажмининг йўқотилиши

Оукен қонуни

Ишсизлик даражаси ўзгариши ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни ифода этади:
Агар ишсизлик табиий даражасидан 1 % га ошса, ЯИМ ҳажмида 2,5 % йўқотиш мавжуд бўлади

Ишсизликнинг оқибатлари


- кишиларнинг турмуш даражасининг пасайиши
- ходимлар малакасининг йўқолиши
- ижтимоий ва сиёсий кескинликларнинг ўсиши

78-чизма. Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари


8-боб. Макроиқтисодий тартибга солиш

8.1. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ


Макроиқтисодий тартибга солиш – бу миллий хўжаликни ижтимоий ташкил этиш ва тартибга солиш усуллари ва мазкур босқичда табиий, моддий, меҳнат, молиявий, интеллектуал ва бошқа ресурсларни жамият эҳтиёжларига мувофиқ тарзда тақсимлаш механизмлари йиғиндиси.



79-чизма. Марказлаштирилган ва бозор иқтисодиётида давлатнинг ўрни



80-чизма. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари



81-чизма. Давлат тартиботининг асосий йўналишлари

8.2. ФИСКАЛ СИЁСАТ: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ


Фискал сиёсат – давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартириш орқали иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган бюджет ва солиқ сиёсатини ўз ичига олувчи молиявий сиёсатнинг бир қисми.

Давлат бюджети-давлатнинг даромадлари манбаи ва маблағларни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган ҳолда тузилган, давлатнинг маълум давр, одатда, бир йилга мўлжалланган даромадлари ва харажатлари сметаси


Давлат бюджети дефицити-давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиб кетиши.

Давлат бюджети профицити-маълум даврда даромадлар миқдорининг харажатлардан ортиб кетиши.

Давлат бюджети даромадлари	Давлат бюджети ҳаражатлари
Солиқ: * бевосита, билвосита солиқлар * ресурс тўловлари. **Солиқдан ташқари:** * солиқдан ташқари йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлар * давлатнинг молиявий ва бошқа активларини фойдаланиш ва сотишга етказиб бериш ва жойлаштиришдан даромадлар * қонунчиликка мувофиқ мерос, ҳадя қилиш ҳуқуқига кўра давлат мулкига ўтадиган пул маблағлари * юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий давлатлардан беминнат пул тушумлари * бюджет ссудаларини қоплаш учун юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий давлатларга берилган тўловлар	* бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг жорий харажатлари * жорий бюджет трансфертлари * капитал ҳаражатлари * капитал ҳаражатларни қоплаш учун юридик шахсларга бюждет трансфертлари * юридик шахслар-резидентлар ва хорижий давлатларга бюджет ссудалари * давлатнинг мақсадли фондларига бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари * давлат қарзларини қоплаш ва хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар * қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа харажатлар




82-чизма. Давлат бюджети турлари



83-чизма. Давлат бюджети дефицитини бартараф этишнинг асосий йўллари

8.3. ФИСКАЛ СИЁСАТ: СОЛИҚЛАР

Солиқ-давлат томонидан даромадларнинг бир қисмига (тўғридан-тўғри) эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича корхоналар, муассасалар ва аҳоли тўлайдиган мажбурий йиғимлар.




84-чизма. Солиқларнинг асосий вазифалари

Солиққа тортиш объектлари бўйича			Солиқларни ундириш усуллари бўйича					Солиқ миқдорини белгилаш усуллари бўйича			Бюджет даражаси бўйича			Фойдаланиш тартибига кўра	
			Бевосита		билвосита										
					акцизлар										
даромад солиғи	мулк солиғи	ҳаражатга солиқлар	даромад бўйича	мулк бўйича	алоҳида	универсал	божхона божлари	пропорционал	прогрессив	регрессив	умуммиллий	минтақавий	маҳаллий	умумий	мақсадли

Солиқларнинг асосий турлари

Давлат қарзи - ҳукуматнинг аввалги бюджет дефицитларига тенг бўлган умумий қарзлари миқдори (минус бюджет ортиқчалиги).



85-чизма. Давлат қарзининг таркиби

8.4. ФИСКАЛ СИЁСАТ: МАҚСАД ВА ЙЎНАЛИШЛАР

Фискал сиёсатнинг мақсади-давлат даромадлари ва харажатларини мутаносиб ўзгартириш, солиққа тортиш тизими, балансланган давлат бюджетини тартибга солиш тизими асосида тўлиқ бандликни ва ноинфляцион иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Давлат харажатлари мультипликатори - ЯИМнинг ўсишига мувофиқ равишда давлат харажатларининг ўсиш коэффициенти

Бюджет-солиқ сиёсати

Рағбатлантирувчи (экспансион)	**Чегараловчи** (рестрикцион)
Давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг даврий тушишини бартараф этишга йўналтирилган	Давлат харажатларини қисқартириш ёки солиқларни ошириш ҳисобига инфляция даражасини пасайтириш ва иқтисодиётнинг даврий кўтарилишини чегаралашга йўналтирилган

Оқибатлар			
ижобий	***салбий***	***ижобий***	***салбий***
қисқа муддатда даврий тушишни бартараф этиш; узоқ муддатда иқтисодий ўсиш.	Бюджет дефицити, корхонага солиқ юки ортиши, инфляция ўсиши.	Бюджет дефицити, корхонага солиқ юки ва талаб инфляциясининг пасайиши.	Яқин истиқболда ишсизликнинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг сусайиши; узоқ истиқболда стагфляция хавфи

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари

- Бюджет дефицитининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3-4 % миқдорида ушлашга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсат ўтказиш
- Бюджет дефицитини чеклаш асосидаги иқтисодий барқарорлик масаласини ҳал этиш ва иқтисодий фаолиятни жонлантиришни рағбатлантирувчи зарур ижтимоий харажатларни молиялаштириш ўртасида оптимал муносабатни таъминлаш
- Миллий хўжалик тармоқларини бюджетдан қайтармаслик шарти билан молиялаш сиёсати амалиётидан воз кечиш ва бу мақсадларга инвестицион кредитлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш
- Бозор муносабатларини ривожланишини рағбатлантирувчи ва давлат бюджети даромадлари шаклланишини барқарорлигини таъминловчи солиқ сиёсатини ўтказиш, солиқ тизимини такомиллаштириш
- Аҳолини ижтимоий таъминлашда меъёрлар сақланишини таъминлаш

86-чизма. Солиқ бюджети сиёсатининг турлари ва истиқболлари

8.5. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ


Пул-кредит сиёсати – мамлакат Марказий банки томонидан иқтисодиётнинг барқарор, самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган курс ва барқарор пул тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган пул муомаласи ва кредит соҳасидаги чора-тадбирлар.

Товар ва хизматлар муомаласи учун зарур бўлган **пул миқдори** пул муомаласи қонуни ёрдамида белгиланади.


$MV = PQ$ **қаердан** $M = \frac{PQ}{V}$ ***қаерда***

		Инглизча сўзнинг ҳарфий ифодаси
M	муомаладаги пул миқдори (пул таклифи)	money-пуллар
V	пул муомаласи тезлиги (айланманинг йиллик ўртача миқдори)	velocity-тезлик
P	маҳсулот бирлиги ўртача нархи (товарлар ва хизматлар)	price-нарх
Q	бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми (унинг бирликлари сони)	quantity – миқдор

87-чизма. Ирвинг Фишернинг айирбошлаш тенгламаси



88-чизма. Асосий пул агрегатлари таркиби



Пул бозори ҳаракатланувчи фоиз ставкасида мувозанатга эришади

8.6. МАРКАЗИЙ БАНК СИЁСАТИНИНГ ИНСТРУМЕНТЛАРИ

Сиёсат инструментлари	***Умумий тавсиф***
Пул эмиссияси	Муомаладаги нақд пуллар ўсиши
Заҳира сиёсати	Марказий банк томонидан тижорат банкларининг (ва бошқа молиявий институтлар) депозит ҳисобларига тушувчи маблағларнинг бир қисмини мажбурий заҳирага ажратиш меъёрини белгиланиши.
Валюта сиёсати	Мамлакатда пул таклифи миқдорига бевосита таъсир кўрсатиш. МБ валюта сотиб пул миқдорини қисқартиради, харид қилиб эса унинг миқдорини оширади
Очиқ бозор сиёсати	МБ томонидан қимматли қоғозлар савдоси ва хариди
Ҳисоб сиёсати	МБ томонидан тижорат банкларига ссудалар бериш учун ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаштириш ставкасининг белгиланиши



89-чизма. Пул-кредит сиёсатининг ҳаракат механизми ва воситалари

8.7. ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ


Давлатнинг ижтимоий сиёсати – бутун ижтимоий жараёнлар мажмуаси ва кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган давлат таъсирининг ялпи чоралари



90-чизма. Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари


8.8. ТАШҚИ САВДО СИЁСАТИ


Ташқи савдо сиёсати – ташқи савдо ҳажмини савдо тўсиқлари ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш шакли



91-чизма. Ташқи савдонинг моҳияти ва шакллари

8.9. ДАВЛАТНИНГ САВДО СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ





92-чизма. Ташқи савдо сиёсати инструментлари


8.10. ВАЛЮТА СИЁСАТИ


Валюта сиёсати – валюта бозорини тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсати

Валюта-халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа халқаро алоқалар бўйича пуллик ҳисоб-китобларда иштирок этувчи мамлакат пул бирлиги. Валюта каби миллий валютанинг ҳам унинг валюта курсида ифодаланувчи халқаро «қиймат»и мавжуд.

Валюта бозори-хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари ва хорижий валюталар олди-сотдиси бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий муносабатлар тизими


Валюта интервенцияси-Марказий банк томонидан тўлов баланси сальдоси ва тўпланган олтин валюта заҳиралари миқдорига боғлиқ ҳолда хорижий валюта хариди ёки сотуви





93-чизма. Эркин сузиб юрувчи валюта курсини аниқловчи омиллир

8.11. ДАВЛАТНИНГ ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ




ВАЛЮТА КУРСЛАРИ ЎЗГАРИШИНИНГ МАМЛАКАТ ТАШҚИ САВДОСИГА ТАЪСИРИ	
Миллий валюта курсининг пасайиши	
мазкур мамлакатдан товарлар **экспортини рағбатлантиради**	* маҳаллий экспортчилар кирим қилган валюталарини кўпроқ миллий валютага айирбошлайдилар * хорижлик харидорлар мазкур мамлакатда баъзи товарлар харидига камроқ валюта тўлайдилар * мазкур мамлакатдан хорижга экспорт қилинаётган товарлар арзонлашади, бу уларнинг савдосини кенгайтиради
мазкур мамлакатга товарлар **импортига тўсқинлик қилади**	* хорижлик импортчилар (тўғридан-тўғри таъминотчилар) мазкур мамлакат валютасидаги тушумларини ўз валютасининг камроқ миқдорига айирбошлайдилар * маҳаллий харидорлар айни импорт товарлари харидига кўпроқ пул сарфлайдилар * мазкур мамлакатда импорт товарлари нархи ортиб боради, бу импорт товарлари савдосини қийинлаштиради
мазкур мамлакат истеъмолчилари учун ***<u>фойдасиз</u>***	* товарнинг тури кам, хорижий рақобатнинг сусайиши, товар сифати пастлиги, нархлар кўтарилади
Миллий валюта курси кўтарилиши	
мазкур мамлакатдан товарлар **экспортига тўсқинлик қилади**	* маҳаллий экспортчилар валюта тушумларини камроқ миқдордаги миллий валютага айирбошлайдилар * экспортнинг хорижлик харидорлари айни товар харидига шахсий валютасининг кўпроқ қисмини сарфлайдилар * мазкур мамлакатдан хорижга экспорт қилинган товарлар нархи ортади, бу эса уларнинг савдосини қийинлаштиради
мазкур мамлакатга товарлар **импортини кенгайтиради**	* хорижлик импортчилар (тўғридан-тўғри таъминотчилар) мазкур мамлакат валюталаридаги тушумларини ўз валютасининг кўпроқ қисмига айирбошлайдилар * маҳаллий харидорлар айни товарни хориждан сотиб олиш учун катта миқдорда пул сарфлайдилар * мазкур мамлакатда импорт қилинадиган товарларнинг нархлари тушиб боради, бу эса импорт савдосини кенгайтиради
маҳаллий истеъмолчилар учун **<u>фойдали</u>**	* кенг танловдаги товар, хорижий рақобатнинг кучайиши, юқори сифатли товар, паст нархлар

9-боб. Жаҳон иқтисодиёти

9.1. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

Жаҳон хўжалиги (жаҳон иқтисодиёти) – бу халқаро меҳнат тақсимотига асосланган, иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғланган миллий хўжаликларнинг ўзаро яхлитлиги

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти-бошқа мамлакатларга нисбатан баъзи афзал шароитларга эга бўлган мамлакатларни маълум турдаги товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши



94-чизма. Жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотининг хусусиятлари

9.2. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳоннинг ҳамма мамлакатларининг хўжалик муносабатларидаги ўзаро таъсирлашиш характери ва усулларини тавсифлайди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар

- халқаро товар ва хизматлар савдоси
- халқаро кредит
- капиталнинг халқаро миграцияси
- меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси
- халқаро илмий-техник алоқалар
- эркин иқтисодий ҳудудлар
- валюта муносабатлари
- иқтисодий интеграция

95-чизма. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари

Жаҳон мамлакатлари гуруҳи

❖ саноати ривожланган мамлакатлар – бозор иқтисодиёти, илғор ва самарали ишлаб чиқариш, аҳоли жон бошига юқори ЯММ/ЯИМ кўрсаткичи ва мувофиқ тарзда кишиларнинг юқори сифатли турмуш даражасига эга ИҲРТ мамлакатлари (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти)

❖ янги саноатлашган мамлакатлар – бозор иқтисодиёти шиддатли ўсиб бораётган, фан ва техника тараққиёти, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорти юқори суръатда ортиб бораётган, жамиятда эркинликлар ривожланаётган ва демократияга эга давлатлар. Бу – Корея, Сингапур, Тайвань ва бошқалар.

❖ нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар – Саудия Арабистони, Қувайт ва қатор ОПЕКка аъзо мамлакатлар – ХХ асрнинг сўнгги чорагида хорижга нефтни кўп миқдорда етказиш орқали ўз даромадларини кескин кўтара олдилар.


❖ ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар– самарасиз «буйруқбозлик иқтисодиёти»дан озод бўлган ва демократия, шахс эркинлиги, очиқ жамият, ҳуқуқий-бозор муносабатларига ўтган мамлакатлар.

❖ иқтисодий қолоқ мамлакатлар – жаҳоннинг ривожланмаган, қашшоқлик ва камбағалликдан азият чекаётган (тахминан 100 та) Африка, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларининг бир қисми (Сомали, Эфиопия, Бангладеш, Бирма, Гайана, Гаити ва бошқалар).

9.3. ХАЛҚАРО ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР САВДОСИ


Халқаро савдо (ХС) – бу товар ва хизматлар экспорти орқали амалга ошириладиган халқаро иқтисодий муносабатлар шакли

Ҳалқаро савдонинг аҳамияти:
миллий ресурс негизи чегараларини бартараф этиш;
ички бозор ҳажмини кенгайтириш ва миллий бозорнинг жаҳон бозори билан алоқасини ўрнатиш;
ишлаб чиқаришнинг миллий ва халқаро харажатлари фарқи ҳисобига қўшимча даромадни таъминлаш;
хорижий ресурсларни жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтириш.



97-чизма. Халқаро меҳнат тақсимоти ва савдонинг мутлақ ва қиёсий устунликлари


Тўлов баланси-мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларининг маълум вақт оралиғи бўйича мамлакатга келиб тушган (тўлов баланси актив қисми) ва мамлакатдан ташқарига ўтказилган (тўлов баланси пассив қисми) тўловлар муносабатининг жорий ҳолатини акс эттиради.



98-чизма. Мамлакат тўлов ва савдо балансининг асосий мазмуни

9.4. КАПИТАЛ ЧИҚАРИШ ВА ХАЛҚАРО КРЕДИТ

Капитални четга чиқариш-бу миллий айланма жараёнидан капиталнинг бир қисмини чиқариб бошқа мамлакатларда турли шаклда ишлаб чиқариш жараёнига киритиш.



99-чизма. Капитал олиб кириш ва чиқаришнинг асосий шакл ва турлари

Тадбиркорлик капитали хорижда (бевосита инвестициялар) шахсий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ёки маҳаллий компанияларга (портфелли инвестициялар) пул киритиш учун четга чиқарилади

Ссуда капитали ссуда фоизи тўлаш шарти билан қарзлар, кредитлар шаклида четга чиқарилади

Капитални четга чиқариш сабаблари

- ўз мамлакатидаги паст даромад
- хориждаги яхши шароитлар
- турли мамлакатларнинг фирмалари бирлашиши
- савдо бозорларини кенгайтириш ва ҳ.к.

Капитал олиб кириш сабаблари

- қўшимча даромад олиш
- илғор тажрибани жорий қилиш
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш
- қўшимча иш жойлари ва ҳ.к.

Капитални четга чиқариш ва бошқа мамлакатларда корхоналар ташкил этиш асосида капитал интернационаллашади ва трансмиллийлаштирилади, **трансмиллий корпорациялар ташкил этилади (ТМК)**


ТМК — бу:
• икки ёки бир неча мамлакатларда шуъба корхоналарини бошқаради;
• бир ёки бир неча марказлардан шуъба компаниялари фаолиятига таъсир ва алоқани таъминлайди.
ТМК жаҳон савдоси таркибини ўзгартиради ва уни ўз қизиқишларига бўйсундиради.

Капитални ҳозирги вақтда четга чиқариш хусусиятлари:
• янги технологиялар соҳасида бевосита инвестицияларга эга ишлаб чиқариш капитали экспортлари миқёси ортиши;
• юқори ривожланган мамлакатлар томонидан капитални ташқарига чиқариш;
• ривожланаётган мамлакатларнинг капитал экспортчилари сифатида аҳамияти ортиши

100-чизма. Капитал миграциясининг асосий сабаблари ва хусусиятлари

9.5. ХАЛҚАРО ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ

Ишчи кучи миграцияси – бу меҳнатга лаёқатли аҳолини миллий чегаралардан ташқарида жойлашиши, кўчиши.



Меҳнат ресурсларининг халқаро жойлашувидаги ижобий ва салбий томонлар	
Мигрантлар учун	– янги жойга кўчиш ва жойлашиш билан боғлиқ йўқотишлар – янги маданият, тил ва муҳит ва ҳ.к.га мослашиш муаммолари + ишга жойлашиш, яхши меҳнат шароити ва иш ҳақидан фойда олиш эҳтимоли
Четга жўнатувчи мамлакатлар учун	– жамият меҳнат ресурсларининг бир қисмини (одатда яхшисини) йўқотиш («зиёлиларнинг чиқиб кетиши») – давлат бюджетидаги миллий даромадлар ва солиқ тушумлари маълум қисмининг йўқолиши + тўлов балансининг даромадлар қисми тўлдирилиши (эмигрантларнинг пул ўтказмалари) + жамиятда бандлик ва ижтимоий кескинлик муаммоларини енгиллаштириш
Қабул қилувчи мамлакатлар учун	+ иш берувчиларнинг даромадларини кўпайтириш (хорижий ишчи кучи арзон) + таълим ва кишиларни ўқитиш харажатларини тежаш, миллий даромад ортиши – маҳаллий аҳоли ва иммигрантлар ўртасидаги эҳтимолий ижтимоий низолар
Жаҳон учун	+ ишсизликни қисқартириш, жаҳон маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириш + маданият ва халқларни яқинлаштириш, жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш

101-чизма. Ишчи кучини жойлаштиришнинг асосий хусусиятлари ва сабаблари


9.6. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

Халқаро валюта тизими ташқи бозорларда марказий эмиссия банклари фаолиятини тартибга солувчи муассасалар, қонунлар, қоидалар тўпламини ўзида намоён этади.

Халқаро валюта тизимларининг таркибий унсурлари:

- асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, ДТТ, ЭКЮ);
- валюта курсларини белгилаш ва қўллаб-қувватлаш механизми;
- валюталарнинг айирбошланиш (конвертацияланиш) шартлари;
- халқаро бозорлар тартиби;
- валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро молиявий муассасаларнинг нуфузини белгилаш.

Халқаро валюта тизимлари			
Валюта курслари тизими	**Амал қилиш даври**	**Тизимнинг тури**	**Валюта курслари режими**
Олтин стандарт тизими	XIX аср охири –1930 йй. ўрталари	Олтин стандарти	Олтин паритети бўйича фиксирланган валюта курслари
Бреттон-вуд тизими	1940-йй. ўрталари – 70-йй. боши	Олтин доллар стандарти	Долларга ва олтиннинг доллардаги расмий нархига нисбатан валюталарнинг юзага келган бозор курслари асосида фиксирланган валюта курслари
Ҳаракатланувчи курслар тизими (Ямайка тизими)	1971 йилдан долларни олтинга конвертацияси бекор қилинди	Кўп валютали стандарт	Минтақавий валюта гуруҳлари ва ДТТ, ЭКЮ, евро, АҚШ доллари ҳамда бошқа ВКТ доирасида ўзаро боғлиқ, ҳаракати бошқариладиган валюта курслари



102-чизма. Халқаро валюта муносабатларининг хусусиятлари

9.7. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

Халқаро иқтисодий интеграция – сиёсий мустақиллигини сақлангани ҳолда умумий иқтисодий мақсадларни кўзлаган мамлакатларнинг бирлашиши.

Халқаро иқтисодий интеграция

* Халқаро муносабатлар тизимининг жадал ривожланиши ва кооперация
* мамлакатлараро ҳамкорликнинг маъқулланиши
* давлатнинг келишилган иқтисодий сиёсати
* ҳамкор мамлакатлар билан ҳамкорлик ҳудудлари кенгайиши

Иқтисодий интеграциянинг ўзига хос белгилари

Интеграция мавжуд муаммоларни унумли ҳал этиш учун мамлакатларни бирлаштириш жараёнини ўзида намоён этади.

У халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кооперацияси ва миллий такрор ишлаб чиқариш жараёнларига биргаликда кириб бориш асосида миллий хўжаликлар ўртасида чуқур ва барқарор ўзаро алоқаларни ўрнатишни кўзда тутувчи **хўжалик ҳаётини интернационаллаштиришнинг олий даражада намоён этиш шакли** сифатида иштирок этади.

Интеграцион бирлашмаларнинг асосий турлари

Эркин савдо ҳудудлари – иштирокчи мамлакатлар ўзаро савдода божхона тўсиқларини бекор қилиш билан чекланадилар

Божхона иттифоқи – гуруҳ ичида товар ва хизматларнинг эркин жойлаштирилиши учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифларини тўлдиради ва божхона даромадларини мутаносиб тақсимот тизими яратилади

Умумий бозор – ишчи кучи ва капитални жойлаштириш учун ўзаро савдода мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этади

Иқтисодий иттифоқ-умумий бозор ва ягона иқтисодий сиёсат ўтказиш, минтақада ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлатлараро тартибга солиш тизимини ташкил этишни ўз ичига олади

Валюта иттифоқи – ягона банк тизими ва ягона валютага асосланган иқтисодий иттифоқ

Сиёсий иттифоқ

103-чизма. Интеграцион бирлашмаларнинг хусусиятлари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Обеспечение приоритета интересов человека-главная цель всех проводимых реформ и преобразований. Т.: «Узбекистан». 2008, 62 с.
2. Каримов И.А. Узбекистан-собственная модель перехода на рыночные отношения. Т.: «Узбекистон». 1993, 27 с.
3. Борисов Е.Ф. Экономическая теория. Учебник.-М.:ТК Велби. «Проспект». 2005, 544 с.
4. Куликов Л.М. Экономическая теория. Учебник.-М: ТК Велби. Проспект. 2005, 432 с.
5. Экономическая теория. Учебник. Под ред. В.И. Видяпина-М.: ИНФРА. М. 2005, 672 с.
6. Экономика. Учебник, 8-е изд., переработан и дополнен.-/Под ред. А.С. Булатова. М.: Экономист. 2005, 896 с.
7. Иохин В.Я. Экономическая теория. Учебник. М.: Экономистъ, 2005, 861 с.
8. Курс экономической теории. /Автор. колл. под.ред. проф. М.Н.Чепурина. Учебник: 5-е изд. испр., дополнен. и перераб.-Киров: АСА. 2004, 832 с.
9. Клинов В. Г. Экономическая коньюнктура. Факторы и механизм ее формирования. Учебное пособие.-М.: МГИМО. 2003, 114 с.
10. Курс экономической теории. Учебное пособие, 2-е изд. пререраб. и дополнен. / Под.ред. проф. А.В.Сидоровича.-М.: изд. Дело и Сервис. 2001.
11. Липсиц И. В. Экономика. Учебник для вузов.-М.: Омега К. 2004, 656 с.
12. Экономическая теория. Учебник./Под. ред. А.Г. Грязновой, Т.В. Чечелевой-М.: Экзамен. 2004, 592 с.
13. Экономическая теория (Политэкономия)./Под обҳ.ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Т.П. Журавлева. Учебник. 4-е издание.-М.:ИНФРА-М. 2004, 640 с.
14. Макконнелл К., Брю С. Экономикс.-М.: Республика. 2002.
15. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Макроэкономика /(пер. с англ.).-М. Экономика-Дело. 1998.
16. Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика /пер. с англ.- М.: ИНФРА. 1997.
17. Гайгер Лингвуд Т. Макроэкономическая теория и переходная экономика / (пер. с англ.)-М.: Инфра.1996.
18. Доллан Э. Дж., Линдсе Д. Макроэкономика / (пер. с англ.)-СПб.1994.
19. www.stat.uz
20. www.uza.uz
21. www.ceep.uz
22. www.bearingpoint.uz
23. www.pca.uz
24. www.smesupport.leontief.ru
25. www.asiapacific.narod.ru
26. www.vestnik.tripod.com

**Адҳам Шарипович Бекмурадов, Ольга Борисовна Гимранова,
Наргизахон Насирходжаевна Шамшиева**

Муҳаррир З.Ф. Алехина

Компьютерда саҳифаловчи: О.Б. Гимранова, М.А. Амонбоев

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ўқув-услубий кенгаши
қарорига биноан нашр этилди

Заказ № 460 от 13.04.2010 Тираж 100шт.
Отпечатанно в ООО «QWERT PRINT»
г. Ташкент, ул. А. Навои, 21